Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА gazeta@adolat.uz ● www.adolat.uz ● № 3 (862) ● 2012 йил, 20 январь, жума

# 2012 ЙИЛ ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИГАН ЙИЛ БЎЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси**

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Вазирлар Маҳкамасининг бугунги кенгайтирилган мажлисининг кун тартиби ўтган 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини баҳолаш ва 2012 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олиш масалаларига бағишланган.

2011 йилда иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг амалий якунлари таҳлилига ўтишдан олдин кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришлар ва аввалабор турли салбий тенденциялар ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни ўринли деб биламан.

Шулар ҳақида гапирганда, дунёдаги таниқли иқтисодчилар, нуфузли эксперт ва мутахассисларнинг баҳолари ва чиқараётган хулосалари принципиал жиҳатдан ягона бир фикрга келмоқда.

Жаҳон иқтисодиётига, биринчи навбатда, ривожланган йирик мамлакатлар иқтисодиётига 2008 йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳали-бери салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўтган давр мобайнида аҳволни яхшилаш мақсадида кўрилаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, аксарият давлатларда ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг амалда пасайиши кузатилмоқда ва бундай жараён давом этадиган бўлса, у глобал миқёсда рецессия ҳолатига, яъни иқтисодиётнинг ўсиш ўрнига давомли равишда пасайиб боришига олиб келиши мумкинлиги башорат қилинмоқда.

Кўпгина тараққий топган мамлакатларда вазият қандай тус олишини олдиндан айтиб бўлмайдиган ва турли хавф-хатарлар сақланиб қолаётган бир шароитда давлат қарзлари ва давлат бюджети тақчиллиги тобора ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, жаҳон захира валюталарининг беқарорлиги, молия-банк тизими кредит қобилиятининг кескин пасайиши ва инвестициявий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиётининг тикланиш ва ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

«Саккизлик» ва «йигирмалик» деб аталган мамлакатлар гуруҳлари доирасида қабул қилинаётган қарорларга қарамасдан, энг аввало, жаҳон молия-валюта тизимида инқироз келтириб чиқараётган муаммоларни ҳал этиш ва керакли назорат ўрнатиш бўйича ягона иқтисодий модель ҳанузгача ишлаб чиқилмаган. Бу эса жаҳон иқтисодиётида ҳал қилувчи ўрин тутадиган йирик давлатларни ўз манфаатларини ўйлаб, ўз билганича ҳаракат қилишга мажбур этмоқда.

Шуни тан олиш керакки, сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган муаммолар асосан қўшимча пул босиб чиқариш ва молия бозорини шундай пуллар билан тўлдириш ҳисобидан ҳал этилиши кўзга ташланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, келгусида жиловлаб бўлмайдиган инфляцияга, яъни қимматчиликка, захира ва миллий валюталарнинг қадрсизланишига ва шу билан боғлиқ оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўз-ўзидан аёнки, жаҳон бозорида кечаётган инқироз жараёнлари ўтган давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичларига таъсир кўрсатмасдан қолмади ва Ўзбекистон иқтисодиётининг 2012 йилга мўлжалланган ўсиш суръатлари ва самарадорлигини таъминлашда катта қийинчиликлар туғдириши мумкин.

Биринчи навбатда, дунё бозорида хомашё ва тайёр маҳсулотга эҳтиёжнинг тобора пасайиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай ҳолат мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ва валюта тушумига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатта.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Шундай муаммоларга, шунингдек, ўзимиздаги мавжуд айрим мураккаблик ва қийинчиликларга қарамасдан, халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига эришилган 2011 йилнинг якунлари билан ҳақли равишда фахрланишимиз учун бугун барча асосларимиз бор.

Охирги йилларда ва ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга киритилган натижалар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда.

Халқаро валюта жамғармасининг кейинги баҳолаш миссияси баёнотида жумладан бундай дейилади:

"Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир.

Қатор йиллар давомида кузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди... Миссия 2011 йилда ялпи ички маҳсулот 8,3 фоиз кўпайишини кутмоқда ва ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолишини башорат қилмоқда».

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, кутилганидек, амалда 8,3 фоизни ташкил этди, 2000-2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.

Ўтган йили саноат ишлаб чиқариши 6,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 16,4 фоиз ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 16,1 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди.

Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин.

Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди. Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик (12,2 фоиз), кимё ва нефть-кимё саноати (9,4 фоиз), озиқ-овқат саноати (13,1 фоиз), қурилиш материаллари саноати (11,9 фоиз), фармацевтика ва мебелсозлик (18 фоиз) 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2011 йилда 11,2 фоизга ўсди, 2000 йилга нисбатан эса бу кўрсаткич 4 баробардан зиёд ошди.

Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

Давоми 2-3-бетларда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

19 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2012 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида жаҳонда умумэътироф этилган ривожланишнинг «ўзбек модели»ни ҳамда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг устувор йўналишларини изчил амалга ошириш натижасида, жаҳон иқтисодиётида юз бераётган инқирозли ҳолатларга қарамай, 2011 йилда мамлакат иқтисодиётини ўстиришнинг юқори суръатлари барқарорлиги ва макроиқтисодий мувозанатлилик таъминланганлиги қайд этилди.

Республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирларига қарши кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари обрўли халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар томонидан юқори баҳоланаётганлиги алоҳида таъкидланди. Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг 2011 йил ноябрь ойида мамлакатимизга келган миссиясининг баёнотида Ўзбекистон изчил ўсишга эришганлиги ва глобал молиявий инқирозга қарши муваффақиятли чоралар кўраётганлиги қайд этилган, шунингдек, ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари сақланиб қолиши ҳақида ижобий прогноз билдирилган.

Давоми 4-бетда

## Мақсадлар муштарак

### аммо масаланинг ҳар бир жиҳати назаримиздан четда қолмаслиги лозим

**Мулоҳаза**

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган йигирма йиллик зарварақларига назар ташлаган киши унинг ҳар бир куни янгиликсиз, ривожланишсиз кечмаганлигига гувоҳ бўлади. Муҳтарам Юртбошимизнинг инсонийлик ва эзгулик тамойиллари билан суғорилган илғор қарашлари ва саъй-ҳаракатлари эвазига истиқлол йилларида юртимиз ҳаётининг барча соҳаларида кенг қамровли ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида аҳоли турмуш фаровонлиги ошиб, халқимизнинг эртанги порлоқ келажакка бўлган ишончи ортиб бормоқда. Пировард мақсад ҳам аҳоли турмуш фаровонлигини, хусусан, инсон манфаати устуворлигини таъминлашга қаратилган.

Халқ фаровонлиги юксалишининг негизини ташкил этувчи, ҳар томонлама ривожлантирилиши лозим бўлган биргина ижтимоий соҳани олайлик. Истиқлол йилларида, аниқроғи, кейинги ўн йил мобайнида аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида сифат жиҳатдан чуқур ўзгаришлар юз берди. Аҳолининг иш ҳақи ва умуман, пул даромадлари барқарор ошиб бориши натижасида унинг харид қобилияти муттасил ўсмоқда. Фуқароларимиз истеъмол қиладиган маҳсулотлар таркибининг сифати ортаётганлиги, айниқса, эътиборлидир. Биргина 2010 йилда бюджет соҳаси муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори 32 фоизга, аҳолининг умумий пул даромадлари эса жон бошига 1,3 баробар ошди.

Ўтган 2011 йилда ҳам иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаган ҳолда, салоҳиятимизни янада мустаҳкамлаш ҳисобидан халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини узлуксиз юксалтиришга қаратилган сиёсат давом эттирилди. Натижада иш ҳақи, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 20,2 фоизга, пенсиялар 26,2 фоизга кўпайиши мамлакатимиз аҳолиси реал даромадларини 23,1 фоизга ошириш имконини берди. Эътибор беринг, давлат бюджети умумий харажатларининг қарийб 60 фоизини айнан ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга ажратилди.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда фаолият юритаётган барча сиёсий партияларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда ижтимоий ҳимояга оид ўз танлаган йўли ва дастури бор. Шу жумладан, Ўзбекистон «Адолат» СДПда ҳам. Аммо Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг мамлакатдаги ижтимоий масалаларни ҳал этиш борасидаги дастурий қарашлари бир-биридан бирмунча фарқ қилади.

Давоми 4-бетда

## Муҳокамадаги қонун лойиҳалари

### жамият ва давлатнинг жадал тараққий этишига хизмат қилади

**Парламентда**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг қонунлар лойиҳалари муҳокамасига бағишланган жорий йилдаги биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар, партия фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган йиғилишда дастлаб, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси асосида ишлаб чиқилган.



Давоми 4-бетда



## Муҳим манба, маънавий асос

**Учрашув**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номли асарини ўқиб-ўрганишга бағишланган маърифий учрашув ташкил этилди. Тадбирда билим юртининг профессор-ўқитувчилари ҳамда тингловчилари, шунингдек, тегишли ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллик қутлуғ байрамини нишонлаш арафасида нашр этилган ушбу асар жамиятимиз маънавий ҳаёти ва халқимиз сиёсий тафаккурини бойитишда улкан аҳамиятга молик воқеа бўлди.

Учрашувда таъкидланганидек, китоб яқин ўтмишимизнинг мураккаб тарихий-сиёсий босқичларини, жумладан, тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган ғоят оғир ва таҳликали бир вазиятда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислом Каримовнинг давлатимизни, халқимизни чуқур инқироздан олиб чиқиши, уни қатъият ва матонат билан истиқлол сари бошлаши, Ватанимиз мустақиллигини эълон қилишигача бўлган тинимсиз курашлар, кескин синов ва машаққатлар билан ўтган фаолият даврини ўз ичига олади. Китобга киритилган нутқ ва маърузаларда ўша даврдаги драматик воқеалар, тарихий ўзгаришлар қандай мураккаб вазиятда юз бергани, уларнинг тафсилоти, сабаб ва оқибатлари атрофлича ёритилган.

Давоми 5-бетда

# 2012 ЙИЛ ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИГАН ЙИЛ БЎЛАДИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

Давоми. Боши 1-бетда

2011 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич қарийб 46 фоизни ташкил этган эди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланиб бораётганини 2005 йилдан бошлаб Давлат бюджети профицит билан бажарилаётгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

2011 йилда Давлат бюджетининг харажатлар қисми 2010 йилга нисбатан 25,4 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса қарийб 17,8 баробар ўсди. Қайд этиш жоизки, давлат бюджети харажатларининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Мана бу рақамларга алоҳида эътиборингизни жалб этмоқчиман. 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизнинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 17,5 фоизидан, экспорт ҳажмига нисбатан эса 53,7 фоиздан ошмайди. Бу халқаро мезонлар бўйича "Ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат" деб ҳисобланади.

Буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб ҳам давлат, ҳам тижорат банклари, компания ва корхоналар миқёсида ҳар томонлама пухта ўйланган четдан қарз олиш сиёсатини амалга ошириб келаётганимиз билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, тушуниш, англаш қийин эмас.

Шу ўринда мамлакатимиз молия-банк тизимида содир бўлаётган ижобий ўзгаришларни мамнуният билан қайд этмоқчиман.

2011 йилда банкларнинг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Охирги беш йил давомида мамлакатимиз банк сектори капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан уч баробар кўп бўлган даражани ташкил этмоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, "Стандарт энд Пурс", "Мудис" ва "Фитч Рейтингс" каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари икки йилдан буён Ўзбекистон банк тизимига муттасил равишда "барқарор" рейтинг даражасини бермоқда, айни пайтда мамлакатимизнинг шундай баҳога сазовор бўлган банклари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Агар 2010 йилда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки "барқарор" рейтингини олган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 23 тага етди, бу банкларнинг активлари юртимиз банк тизими умумий активларининг 98 фоизини ташкил этмоқда.

Маълумки, аҳолининг банк тизимига ишончи ортиб бораётгани банклар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Шу маънода, 2011 йилда депозитларга 18 триллион сўмдан ортиқ, ўтган йилга нисбатан 36,3 фоиз кўп маблағ жалб қилингани, жумладан, аҳоли депозитлари 38,8 фоизга ошгани айниқса эътиборлидир.

Банкларнинг кредит портфели таркиби сифат жиҳатидан тубдан ўзгармоқда. Агар 2000 йилда кредит портфелининг 54 фоизи ташқи қарзлар ҳисобидан шакллантирилган бўлса, 2011 йилда унинг 85,3 фоизи ички манбалар — юридик ва жисмоний шахслар депозитлари ҳисобидан шакллантирилди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётимиз тармоқларига инвестиция киритиш ва шунинг ҳисобидан тараққиётимизни таъминлашда ички имкониятларимиз тобора ортиб бораётганининг далилидир.

Тижорат банкларининг инвестициявий фаоллиги ортмоқда. Тижорат банклари қўйилмаларининг 75 фоиздан ортиғини уч йилдан зиёд бўлган узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил этмоқда. Умуман, сўнгги ўн йилда банкларимиз томонидан иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш 7 баробар ошганини алоҳида қайд этиш лозим, деб ўйлайман.

Бизнинг иқтисодий ночор корхоналарни банклар балансига ўтказиб, уларни соғломлаштириш борасида қўллаган ноанъанавий ёндашувимиз ўзини оқлади ва самарадорлигини кўрсатди, деб бугун тўла асос билан айтишимиз мумкин.

Ҳозирги пайтда банкларга берилган 164 та банкрот корхонадан 156 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ тикланди, 110 та корхона янги инвесторларга сотилди. Бундай корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш ишларига тижорат банклари томонидан 275 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилди, натижада 22 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.

Фурсатдан фойдаланиб, бу вазифаларни бажаришга ўз ҳиссасини қўшган барча банк раҳбарлари, мутахассис ва хизматчиларга ўз миннатдорлигимни билдирмоқчиман.

Энди, рухсатингиз билан, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишларимизнинг натижалари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, мураккаб об-ҳаво ва иқлим шароити туфайли вужудга келган муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати ҳисобидан 2011 йили энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат хариди бўйича шартнома мажбуриятлари нафақат бажарилгани, балки ортиғи билан бажарилганини таъкидлаш ўринлидир.

Мамлакатимизда ўтган йили 6 миллион 800 минг тонна ғалла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта, 8 миллион 200 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Шу билан бирга, 6 миллион 600 минг тонна сут, 1 миллион 500 минг тоннадан ортиқ гўшт, 3 миллиард 500 миллион донадан зиёд тухум тайёрланди.

Бугун мана шу юксак минбардан туриб, кунни — кун, тунни — тун демасдан, қилган фидокорона меҳнатлари учун фермер ва деҳқонларимизга яна бир бор миннатдорлик билдириб, ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Айни пайтда биз қишлоқ хўжалиги соҳасида биринчи навбатда тупроқ унумдорлигини ошириш чораларини кўриш, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, селекция ва уруғчиликни янада ривожлантириш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш билан боғлиқ, ҳали-бери ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлигини ҳам эътироф этишимиз зарур.

Шуни очиқ тан олиш керакки, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг масъулиятини янада ошириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Ўтган йили 3 минг 800 дан ортиқ фермер хўжалиги пахта етиштириш бўйича шартнома мажбуриятини бажара олмади. Натижада 120 миллиард сўмликдан ортиқ ёки 160 минг тоннадан зиёд пахта хомашёси кам етказиб берилди. Агар бу кўрсаткични экспорт қилиш мумкин бўлган пахта толасига айлантирадиган бўлсак, бой берилган фойда ҳажми, пахтани қайта ишлашдан олинадиган мой, шрот, кунжара ва бошқа маҳсулотларни ҳисобга олмаганда ҳам, йўқотиш қарийб 100 миллион долларни ташкил этади.

Ўтган йили 1 минг 500 та фермер хўжалиги давлат захирасига ғалла сотиш бўйича 18 миллиард сўмлик ёки 62 минг тонна ҳажмидаги шартнома мажбуриятини бажармади.

Ана шу масалалар юзасидан ҳар бир вилоят ва туман бўйича тегишли хулосалар чиқарилиши керак. Бунда, энг аввало, фермер хўжаликларига ер майдонларини узоқ муддатга ижарага бериш бўйича белгиланган тартибга риоя қилинишини, шу борада қонун бузилишларига йўл қўймасликни таъминлаш зарур.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 37 фоиз ўрнига 50,5 фоизни ташкил этди.

Йил давомида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг 41,6 фоизга ўсганини бугунги кун талабларига жавоб берадиган ижобий тенденция сифатида баҳолаш лозим.

Бу кўрсаткич, аввало, мобиль алоқа ва Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланадиган абонентлар сонининг ўсиши ҳисобидан таъминланди. Бунда ҳисобот йилида аҳоли учун Интернет хизматларидан фойдаланиш тарифларини 22 фоизга камайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 8 миллионга яқини Интернет тармоғидан фаол фойдаланмоқда.

Изчиллик билан амалга оширилаётган, биринчи навбатда солиқ юкини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Хусусан, 2011 йилда солиқ юки, 1991 йил билан солиштирганда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 2 баробар камайиб, 41,2 фоиздан 22 фоизга тушганини қайд этиш зарур.

2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди. Бунинг натижасида бўшаб қолган қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағни биринчи навбатда ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имкони пайдо бўлди.

Ўтган йили фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга алоҳида эътибор қаратилди.

2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2010 йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп демакдир. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил этгани мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бораётганидан далолат беради.

Иқтисодиётимизнинг реал секторига қарийб 2 миллиард 900 миллион доллар ҳажмида хорижий инвестициялар жалб қилинди, уларнинг 78,8 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари ва улардан фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи мамлакатимизнинг ички манбалари ҳисобидан — корхоналар ва аҳоли маблағлари, инвестиция жараёнларида тобора фаол иштирок этаётган тижорат банклари кредитлари, шунингдек, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан шакллантирилмоқда.

Жами инвестицияларнинг 73,5 фоизидан ортиғи ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилмоқда. Инвестицияларнинг қарийб 45,3 фоизи замонавий, юксак самарали асбоб-ускуналар харид қилишга йўналтирилгани айниқса муҳимдир.

Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида ҳисобот даврида ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Жумладан, "Женерал Моторс Павертрэйн Ўзбекистон" қўшма корхонасида юқори технологиялар асосида автомобиль двигателлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, автомобиль генераторлари ва компрессорлари ишлаб чиқариш бўйича қувватлар барпо этилди, энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш бўйича учта лойиҳа амалга оширилди.

Шулар қаторида "Зенит электроникс" қўшма корхонасида "Самсунг" кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтда маиший газ плиталари, кондиционерлар, электр пилесослар ва бир қанча бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

"Муборак газни қайта ишлаш заводи" унитар шўъба корхонасида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида пропан-бутан аралашмаси қурилмасининг биринчи навбатини, Самарқанд вилоятида "MAN" юк ташиш машиналари ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуанинг дилерлик марказини бунёд этиш ишлари якунига етказилди.

Навоий иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмасини барпо этиш, Ўзбекистон — Хитой газ қувурининг учинчи йўналиши каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда қурилиш-монтаж ишлари қизғин паллага кирди.

Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона муваффақиятли фаолият юрита бошлади, унинг ҳудудида янги ташкил этилган корхоналарда спидометрлар, автомобиллар учун ўтказгичлар, компрессорлар, рақамли телевизион тюнерлар, энергияни тежайдиган лампалар, ёритиш ускуналари, диодли лампалар, модемлар, полиэтилен ва полипропилен қувурлар, косметика воситалари ҳамда тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон миллий автомобиль магистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳалар доирасида 302,5 километр узунликдаги йўлга замонавий қоплама ётқизилиб, реконструкция қилинди. Тошкент ва Бухоро шаҳарлари аэропортларининг маҳаллий йўналишларда хизмат кўрсатадиган йўловчи терминаллари фойдаланишга топширилди.

Тошкент — Самарқанд йўналишида мазкур икки шаҳар ўртасидаги 344 километр масофани атиги 2 соатда босиб ўтадиган, юқори тезликда ҳаракат қиладиган "Талго-250" йўловчи электр поездлари қатнови йўлга қўйилди.

Бу поездлардан фойдаланиш мақсадида темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш ва такомиллаштириш бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, 600 километр узунликдаги йўллар қайтадан тикланди, 68 километрдан иборат янги темир йўллар ётқизилди, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари темирйўл вокзаллари реконструкция қилинди ва қайтадан жиҳозланди.

Ўтган йил мобайнида телекоммуникация тизимини ривожлантиришга қаратилган бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш ишлари давом эттирилди. Хусусан, Жиззах — Булунғур йўналиши бўйлаб 73 километр узунликдаги оптик толали алоқа линияси ўтказилди, мобиль алоқа ва Интернет тармоғи кўлами тобора фаол кенгайиб бормоқда. Юртимизда аҳолига рақамли телевидение хизмати кўрсатиш ҳажми 38 фоизга етгани ҳам шу борадаги улкан ишларимизнинг амалий натижасидир.

2011 йилда логистика марказлари фаолияти жадаллашди. Хусусан, "Навоий халқаро интермодаль логистика маркази" орқали 50 минг тонна юк ташилди. "Ангрен логистика маркази" ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан Қамчиқ довони орқали 4 миллион 200 минг тонна, яъни 2010 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп юк ташилди.

Ўтган йили ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлди.

2011 йилда республикамизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари йил мобайнида 23,1 фоизга ортди. Айни пайтда — шунга эътибор беришингизни сўрайман — аҳоли жами даромадларининг 47 фоизи тадбиркорлик фаолиятидан олинмоқда.

Сир эмаски, биз мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг даромадлари ва турмуш шароитида кескин тафовут бўлишига йўл қўймасликка катта эътибор қаратмоқдамиз.

Кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган бир пайтда, иш ҳақи, ижтимоий кўмакка муҳтож тоифаларнинг даромадлари миқдорини жадал ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарқ коэффициенти 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқарди. Айтиш керакки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бир қатор иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасида бу коэффициент энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Юртимизда ўтган йиллар давомида иш ҳақи ва пенсияларнинг харид қобилияти изчил ва барқарор ўсгани аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётганининг яққол тасдиғидир.

Бунинг исботи тариқасида қуйидаги мисол ва рақамларни келтирмоқчиман.

Агар 1991 йилда энг кам иш ҳақига Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига қатъий мувофиқ тарзда ҳисоблаб чиқилган истеъмол корзинкаси қийматининг фақат 8 фоизини ташкил этадиган товар ва хизматларни харид қилиш мумкин бўлган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич истеъмол корзинкасининг 120 фоизини ташкил этди ёки 15 баробар ўсди, энг кам пенсиянинг харид қобилияти эса 9 карра ошди.

Айни шу кўрсаткичлар 2000 йилда мос равишда 11,0 ва 3,6 баробарни ташкил этди.

Ҳисобот йилида таълим соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида гапирар эканмиз, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимгача бўлган бўғинларда чуқур билим ва пухта касб-ҳунар тайёргарлигига эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш жараёнини ўз ичига олган яхлит узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ишлари изчил давом эттирилганини таъкидламоқчиман.

Олис ва чекка ҳудудларда касб-ҳунар коллежларининг 24 та филиалини ташкил этиш, фаолият юритаётган коллежлар қошида 18 та талабалар турар-жойларини қуриш орқали умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар таълими билан тўлиқ қамраб олиш бўйича қўшимча чора-тадбирларнинг қабул қилингани мазкур йўналишдаги муҳим қадам бўлди.

Умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Энг замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган, 46 минг 300 дан ортиқ ўқувчига мўлжалланган 166 та янги мактаб қурилди ва реконструкция қилинди, 151 та мактаб капитал таъмирланди. Мамлакатимиздаги 852 та мактабда замонавий ўқув компьютер синфлари ташкил этилди.

Ҳозирги вақтда 9 минг 400 дан зиёд умумтаълим мактаби ёки жами мактабларнинг 96 фоизи ZiyoNet электрон ахборот тармоғига уланганини қайд этиш лозим.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Коллежлар ва корхоналар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва келажакда мазкур корхоналарда ишга жойлашиши бўйича шартнома тузиш йўлга қўйилди. Мазкур келишувлар асосида 390 мингдан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди.

Ҳукумат қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011-2016 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш учун 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган.

Маблағларни жамлаш ва дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида ўтган йили махсус жамғарма ташкил этилди ва унинг маблағлари ҳисобидан 2011 йилда бир йилга мўлжалланган 39 миллиард сўмдан ортиқ тадбирлар молиялаштирилди.

Ўтган йили илғор ахборот-компьютер технологиялари билан жиҳозланган, аввало ёшларимизга миллий ва хорижий ахборот-кутубхона фондларидан кенг фойдаланиш имконини берадиган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — замонавий ахборот-ресурс маркази ва Симпозиумлар саройини ўзига қамраб олган Маърифат марказининг қуриб битказилгани ва ишга туширилгани мамлакатимиз ҳаётида том маънода улкан воқеа бўлди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

2011 йилда соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасидаги ишлар изчил ва тизимли асосда давом эттирилди.

Даволаш-профилактика муассасаларини реконструкция қилиш, уларни замонавий лаборатория, диагностика ва даволаш жиҳозлари билан таъминлаш учун қиймати қарийб 137 миллиард сўмлик бюджет маблағлари ҳамда 136 миллион долларлик хорижий имтиёзли кредит ва грантлар йўналтирилди.

Умуман олганда, кейинги ўн йил мобайнида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган бюджет маблағлари ҳамда имтиёзли кредит ва грантлар 750 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида қабул қилинаётган изчил чора-тадбирлар кейинги ўн йилда аҳолининг умумий касалланиш кўрсаткичларини сезиларли даражада қисқартириш имконини берди. Ҳар юз минг кишига ҳисоблаганда, ижтимоий хавфи катта бўлган касалликларга чалиниш ҳолатлари, жумладан, туғма нуқсонлар билан туғилиш — 32,4 фоизга, юқумли касалликлар — 40 фоизга, юқори нафас органларининг ўткир инфекциялари билан оғриш — 4,2 баробар камайди. Дифтерия, паратиф, полиомиелит, безгак касалликларига чалиниш ҳолатларига бутунлай барҳам берилди.

2011 йилда 5,9 миллион нафар хотин-қиз ҳар йили ўтказиладиган тиббий кўрикдан, қарийб 150 минг ҳомиладор аёл скрининг текширувидан ўтказилди. Қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган 243 мингдан ортиқ ҳомиладор аёл поливитаминлар билан бепул таъминланди. Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш даражаси қарийб 100 фоизни ташкил этди.

Юртимиз таълим ва тиббиёт муассасаларини замонавий талаблар ва халқаро андозалар асосида ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни тизимли амалга ошириш мақсадида 2011 йилда бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ташкил этилди ва у 2012 йилнинг биринчи кунларидан иш бошлади.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида биз эришган бундай катта ютуқлар ўтган йили Тошкентда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзуидаги халқаро симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланди.

"Болаларни асрайлик" халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатаётган энг илғор етакчи ўнта мамлакат қаторига киритилгани, албатта барчамизга юксак ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ҳисобот йилида янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини ҳал қилиш ҳам эътиборимиз марказида бўлди. Ҳудудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўрнининг 68 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоизидан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоизидан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтириш ҳисобидан яратилди.

Ўтган йил якунлари ҳақида хулоса чиқарар эканмиз, 2011 йил Иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш дастурининг мантиқий давоми бўлди, Ўзбекистоннинг 20 йиллик мустақил тараққиёти тарихида, жамиятимизни изчил демократик янгилаш ва либераллаштириш жараёнида алоҳида ўрин эгаллаган йил бўлди, деб тўла ишонч билан таъкидлашимиз мумкин.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

2012 йилнинг асосий йўналишлари ҳақида гапирганда, жорий йилда Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришнинг кўрсаткичлари аввало юқори ва изчил ўсиш суръатларини сақлаш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилганини таъкидлаш лозим.

Ялпи ички маҳсулотнинг 8,2 фоизга, саноат ишлаб чиқаришининг 8,6 фоизга, қишлоқ хўжалигининг 5,8 фоизга ўсиш суръатлари белгиланмоқда. Шунингдек, истеъмол нархларининг ўсиш даражаси 7-9 фоиз доирасида бўлиши мўлжалланмоқда, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиз даражасида сақлаш назарда тутилмоқда.

Мамлакатимизнинг 2012 йил учун тасдиқланган Давлат бюджети жами харажатларининг 60 фоиздан ортиғини социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Солиқ юкини, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш белгиланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг паст ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга пасайтирилганини қайд этиш лозим. Бу, аввало, кам иш ҳақи тўланадиган ишловчилар тоифаси даромадларининг кўпайишига сезиларли равишда ижобий таъсир кўрсатиши табиийдир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилаётган капитал қўйилмалар ҳажми анча ошиб, ўтган йилга нисбатан уларнинг ўсиш суръатлари 109,3 фоизни, ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 24,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Шунингдек, хорижий инвестициялар ва жалб қилинадиган кредитлар ҳажми 16 фоизга кўпайиб, 3 миллиард 300 миллион доллардан ошади. Мазкур маблағнинг 2 миллиард 300 миллион доллардан ортиғи ёки қарийб 70 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этиши айниқса эътиборлидир.

Бу хорижий инвесторларнинг иқтисодиётимизнинг мустаҳкамлиги ва барқарорлигига, энг муҳими, Ўзбекистон тараққиётининг истиқболига бўлган қизиқиши ва ишончи тобора ортиб бораётганидан яққол далолат беради.

Давоми 3-бетда

# 2012 ЙИЛ ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИГАН ЙИЛ БЎЛАДИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

Давоми. Боши 1-2-бетларда

Жаҳон иқтисодиётида вужудга келаётган тенденциялардан, шунингдек, мамлакатимизни келажакда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, 2012 йилда ва ундан кейинги йилларда қуйидаги устувор вазифаларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур.

Бу мақсаднинг долзарблиги ва аҳамияти аввало шу билан белгиланадики, биз ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётимизни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишни ҳозирги босқичдаги бош стратегик вазифа сифатида ўз олдимизга қўйганмиз.

Ўз-ўзидан аёнки, рақобатдош иқтисодиётни шакллантирмасдан, пировард натижада эса рақобатдош мамлакатни барпо этмасдан туриб, биз қабул қилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўзда тутилган мақсадли вазифаларни амалга оширмасдан туриб, бу ҳақда жиддий сўз юритиш мумкин эмас.

Бу вазифанинг ўртага қўйилиши, шунингдек, инқироз жараёнларининг чуқурлашуви, дунё миқёсида харид талабининг пасайиши ва шунга мувофиқ тарзда жаҳон бозорида хомашё, материаллар, айниқса, тайёр маҳсулотлар бўйича рақобатнинг йилдан-йилга кучайиб бораётгани билан ҳам боғлиқ, албатта.

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича қабул қилинган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, 2012-2016 йилларда ҳисоб-китоблар бўйича қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Жорий 2012 йилда иқтисодиётимизни диверсификация қилишни давом эттиришда ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Жумладан, Сурғил кони базасида Устюрт газкимё комплекси, Деҳқонобод калийли ўғитлар ва Қўнғирот сода заводларининг иккинчи навбатини, синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш заводини қуриш ишлари бошланади.

Шунингдек, Толлимаржон иссиқлик электр станциясида иккита буғ-газ қурилмаси, Ангрен иссиқлик электр станциясида янги энергоблок қуриш, автомобиль шиналари ва транспортёр тасмаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, тўқимачилик корхоналари қувватларини янада кенгайтириш ва бутун технологик жараённи такомиллаштириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг роли тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Айтиш керакки, ҳозирги вақтда ушбу Жамғарма капитали 9 миллиард доллардан ошиб кетди. 2012 йилда Жамғарма маблағлари ҳисобидан саноат ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг етакчи тармоқларида 758 миллион доллардан зиёд ҳажмдаги 29 та стратегик инвестиция лойиҳасини биргаликда молиялаш мўлжалланмоқда, бу ўтган йилга нисбатан 38,2 фоизга кўп демакдир.

Вазирлар Маҳкамаси стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларнинг амалга оширилишини алоҳида назоратга олиши, лойиҳа-смета ҳужжатларининг пухта ишланишини, танлов савдоларининг ўз вақтида ўтказилишини, зарур асбоб-ускуналарнинг етказиб берилиши бўйича шартномалар тузилиши ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаши зарур.

Ҳукуматнинг чорак якунларига бағишланган йиғилишларида қабул қилинган Биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурини ва модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тасдиқланган тармоқ жадваллари ижроси таъминланишини кўриб чиқиш ва уларнинг бажарилиши учун ўз вақтида тегишли чоралар кўриш тартибини жорий этиш даркор.

Ўтган йили протокол билан белгиланган топшириққа биноан мамлакатимизнинг барча йирик корхоналари ва ишлаб чиқариш тармоқларида ўтказилган техник аудит натижасида 37 мингга яқин асбоб-ускуна ва технологияларнинг жаҳон миқёсида синовдан ўтган, замонавий турларига алмаштирилиши лозимлиги аниқланди.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу аудит натижалари асосида бир ой муддатда моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган асбоб-ускуналарни янгилаш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши юзасидан, уларни молиялашнинг аниқ манбаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, тармоқ жадвалларини тасдиқлаши зарур.

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг самараси ҳақида сўз юритар эканмиз, шуни тан олишимиз керакки, бу йўналишда эскидан қолган ва ҳали-бери рўй бериб келаётган оқсоқлик ҳолатлари борлиги, биринчи навбатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сарфи юқори даражада сақланиб қолаётгани аён бўлади.

Аввало, биз табиат томонидан берилган ноёб, қайта тикланмайдиган захиралар бўлмиш нефть, газ конденсати, табиий газ ва бошқа ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишни ҳамон ўрганганимиз йўқ. Бу ресурсларнинг катта қисмидан кўпроқ ёқилғи сифатида фойдаланяпмиз, холос.

Муқобил энергия ресурсларини излаш ва жорий этиш ишлари талаб даражасида эмас. Умуман, ушбу соҳада зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган кўплаб муаммолар тўпланиб қолганини афсус билан қайд этиш керак.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш масаласи барча корхоналарда ҳам ҳал этилган, деб бўлмайди. Бу камчилик, айниқса, биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган енгил саноат, фармацевтика ва қурилиш материаллари саноати каби истеъмол товарлари ишлаб чиқариладиган тармоқларга тегишлидир.

Мамлакатимизда яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш борасида ҳам ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд. Биз ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизация қилиш учун катта маблағ сарфлаймиз, кўп миқдордаги хорижий инвестицияларни жалб этамиз.

Лекин қатор тармоқларда ишлаб чиқариш қувватларидан, асосий фондлардан тўлиқ фойдаланишда, меҳнат самарадорлигини оширишда йўл қўйилаётган камчиликлар маҳсулотлар таннархининг асоссиз равишда ўсиб кетишига олиб келмоқда.

Бундай вазиятларни танқидий баҳолаб, Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қуйидаги масалаларни ҳал этиши зарур:

Биринчидан. Манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, компания ва корхоналар иштирокида саноатда маҳсулот таннархини 10-15 фоизга пасайтириш юзасидан ҳар бир саноат корхонаси бўйича комплекс чора-тадбирларни кўзда тутадиган дастур ишлаб чиқиш лозим.

Иккинчидан. Мамлакатимиз корхоналарида қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш даражасини танқидий таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича мавжуд ресурс ва имкониятларни аниқлаш ҳамда саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, бунинг учун қўшимча имтиёзларни кўзда тутадиган махсус қарор қабул қилиш керак.

Бу борада, биринчи навбатда, маҳаллий хомашё ва материаллар асосида саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тизимини янада ривожлантиришга оид ишларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Учинчидан. Бугунги кескин рақобат шароитида маҳсулотларимизнинг жаҳон ва минтақавий бозорларда харидоргир бўлиши ва мустаҳкам ўрин эгаллаши учун бу борадаги ишларни яна бир бор танқидий кўриб чиқиш лозим. Бунда ташқи бозорда харидорбоп, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни рағбатлантиришни янада кучайтириш, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тайёрлаш зарур.

Тўртинчидан. Мамлакатимиздаги рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари ва бошқа тармоқларнинг экспорт ярмаркалари ўтказишини кенгайтириш, шунингдек, маҳсулот сотишнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланиш, асосий ишлаб чиқарувчиларимизни ўз маҳсулотлари тақдимотини ўтказиш ва янги экспорт шартномалари тузиши учун нуфузли халқаро ярмаркаларга жалб этиш бўйича алоҳида Ҳукумат қарорини қабул қилиш лозим.

Таркибий янгиланишдаги алоҳида эътиборни талаб этадиган навбатдаги муҳим масала — бу хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат.

Хизматлар ва сервис соҳасининг жорий йилда кескин ўсиши, аввало қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳаларида, аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатишда, айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш учун ҳали-бери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хизматлар соҳасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича биз иқтисодий ривожланган мамлакатлардан ҳамон жиддий орқада қолмоқдамиз.

Энг муҳими, шуни унутмаслик керакки, катта капитал қўйилмалар талаб қилмайдиган бу соҳа иқтисодиётнинг юксалишига, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ортишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016 йилларга мўлжалланган дастур лойиҳасини тасдиқлаш учун киритиши, бунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида бу соҳанинг улуши 54-56 фоизга етказилишини назарда тутиш даркор.

2012 йилда энг муҳим устувор вазифалардан бири транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришни таъминлашдан иборат бўлиб қолади.

Транспорт-коммуникация тармоқларининг инсон танасини қон билан таъминлайдиган ҳаётбахш томирларга ўхшатилиши бежиз эмас, албатта.

Бугунги кунда юксак тараққий топган замонавий мамлакатни иқтисодиёт ривожини, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг ҳаётий фаолиятини таъминлайдиган магистрал коммуникацияларнинг кенг тармоғисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Барчамиз, аввало, вилоят ва ҳудудий тузилмалар раҳбарлари транспорт ва коммуникация, биринчи навбатда йўл қурилиши соҳаси, шунингдек, ижтимоий ва ободонлаштириш ишлари кўп меҳнат талаб этадиган ва айни вақтда яхши ҳақ тўланадиган, аҳолини иш билан таъминлаш имконини берадиган тармоқлар эканини доимо ёдимизда тутишимиз зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли равишда боғлайдиган, минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайдиган Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирадиган йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини жадал амалга ошириш биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда 2012 йилда 517 километрлик автомобиль йўллари, иккита йирик транспорт боғламаси, 544 погон-метр кўприк ва йўл ўтказгичларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун Республика йўл жамғармасидан 360 миллион АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги, ўтган йилга нисбатан 12,5 фоиз кўп маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда.

Ўзбек миллий автомагистралини модернизация қилиш нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун улкан стратегик аҳамиятга эга эканини инобатга олган ҳолда, ушбу лойиҳани амалга оширишда Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Араб Мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари сингари халқаро молия тузилмалари фаол иштирок этмоқда.

Мазкур ташкилотлар томонидан 742 километрлик автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, йўл қурилиши бўйича замонавий техника сотиб олиш учун 1 миллиард 400 миллион долларга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди.

Фақат 2012 йилнинг ўзида ушбу мақсадлар учун 109 миллион доллар миқдоридаги маблағни ўзлаштириш, 165 километр цемент-бетон қопламали йўлларни фойдаланишга топшириш, жумладан, Қамчиқ довони орқали ўтадиган йўлни реконструкция қилиш мўлжалланмоқда.

"Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компанияси, Республика йўл жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ажратилаётган маблағларни самарали ўзлаштириш ҳамда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш юзасидан белгиланган кўрсаткичларни сўзсиз бажариш бўйича амалий чоралар кўриш вазифаси топширилади.

Темир йўллар коммуникацияларини янада ривожлантириш, Мароқанд — Қарши ва Қарши — Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш бўйича лойиҳалар амалга оширилишини жадаллаштириш зарур. Шу билан бирга, Тошкент — Самарқанд темир йўл линияси участкасида ободонлаштириш ишларини давом эттириш ҳамда юқори тезликда ҳаракатланадиган йўловчи поездларнинг ишончли ва хавфсиз қатновини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш даркор. "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур ишларни амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлатиши, уларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаши лозим.

Вазирлар Маҳкамаси "Навоий халқаро интермодал логистика маркази"ни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини, халқаро юклар транзит ҳажмини кўпайтириш, парвозлар географиясини янада кенгайтириш, аэропорт инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, "Ангрен логистика маркази"ни модернизация қилиш, ривожлантириш ва жиҳозлаш ишларини қатъий назоратга олиши зарур.

Телекоммуникация тармоғи кўламини кенгайтириш, уни ривожлантириш ва модернизация қилиш учун қўшимча ресурсларни жалб этиш лозим. Жорий йилда узунлиги 172 километрдан ортиқ бўлган Ургут — Шаҳрисабз ва Бойсун — Денов оптик толали алоқа линияси қурилишини амалга ошириш мўлжалланмоқда. Айни вақтда 89 та янги база станцияларини барпо этиш ҳисобидан симсиз алоқа зонасини кенгайтириш, Фарғона, Навоий, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида телеузатгичлар ўрнатиш орқали рақамли телевидениега босқичма-босқич ўтиш ва бошқа ишларни бажариш шу борадаги вазифаларимиз қаторига киради.

Телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ишларига 2012 йилда 176 миллион доллардан ортиқ ҳажмдаги инвестицияларни йўналтириш режалаштирилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси ҳар ойда тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳудудий бошқарув органлари раҳбарлари иштирокида 2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилиши ривожланишини жадаллаштириш тўғрисидаги дастурга мувофиқ кўзда тутилган лойиҳаларнинг ижросини кўриб чиқиши лозим. Бунда ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилишини жадаллаштиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини таъминлаш даркор.

2012 йилда ва ундан кейинги йилларда диққатимиз марказида туриши лозим бўлган устувор вазифалар ҳақида сўз борар экан, Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жойларни қуриш бўйича дастурни амалга ошириш масалаларига алоҳида тўхталмоқчиман.

Қишлоқ жойларда хусусий уй-жойларни қуриш бўйича кенг кўламли дастур амалга ошила бошлаганидан буён, яъни сўнгги икки йил давомида 15 мингдан зиёд оила ҳар томонлама қулай янги уй-жойларга эга бўлди.

Фақат ўтган йилнинг ўзида намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метрга тенг бўлган 7 минг 400 та хусусий уй-жой қуриб битказилди. Бу мақсад учун 576 миллиард сўмликдан ортиқ инвестициялар йўналтирилди, уларнинг 63 фоизидан зиёдини марказлаштирилган манбалар ва «Қишлоқ қурилиш банк» маблағлари ташкил этади.

Жорий йилда умумий турар-жой майдони 1 миллион 200 минг квадрат метрдан ортиқ бўлган 8 минг 510 та якка тартибдаги уй-жой қурилиши режалаштирилган, бу эса ўтган йилга нисбатан 15 фоиз кўпдир.

Шу билан бирга, давлат маблағлари, такрор айтаман — бюджет маблағлари ҳисобидан турар-жой посёлкаларини қуриш бўйича олдиндан тасдиқланган комплекс режаларга мувофиқ 425 километрдан зиёд водопровод тармоғи, қарийб 260 километр электр линиялари, 375 километр газ тармоқлари ва 306 километр ички йўллар қурилиши режалаштирилган.

Ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳисобидан комплекс қурилиш жойларида 26 та қишлоқ врачлик пункти, 10 та умумтаълим мактаби ва 680 тадан зиёд хизмат кўрсатиш ва сервис объекти фойдаланишга топширилади.

Ушбу мақсадларда йил давомида қарийб 810 миллиард сўмлик капитал қўйилмаларни ўзлаштириш режалаштирилмоқда. Умуман айтганда, Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантиришнинг 2015 йилгача мўлжалланган тасдиқланган дастурини амалга ошириш ишларига 2 миллиард 200 миллион АҚШ доллари қийматидаги маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бу Дастурнинг амалга оширилишида Осиё тараққиёт банки фаол иштирок этмоқда. Мазкур банк қишлоқда якка тартибдаги уй-жойлар қурилишига 500 миллион доллар миқдорида, жумладан, 2012 йилда 160 миллион доллар инвестиция киритишни режалаштирмоқда.

Шу борада масаланинг яна бир жиҳатига эътиборингизни қаратмоқчиман. "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан унинг ўз маблағлари ва Осиё тараққиёт банкининг заём маблағлари ҳисобидан намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойларни қуриш учун кредитлар қишлоқ аҳолисига имтиёзли шартларда, 15 йил муддатга йиллик 7 фоизли ставка бўйича берилмоқда. Бу эса тижорат банкларининг ипотека кредитлари ставкасидан қарийб икки баробар паст бўлиб, моҳият эътибори билан қишлоқда яшаётган оилаларга катта имтиёз ва имконият яратиб беришга қаратилгандир.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, "Қишлоқ қурилиш инвест" компанияси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, "Қишлоқ қурилиш банк" шу йил февраль ойининг охиригача қишлоқ жойлардаги якка тартибдаги турар-жой массивларида уй-жойлар, ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини молиялашни ва уларнинг қурилиши бошланишини таъминласин.

Ҳеч кимга сир эмас, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари, аввало, демографик жиҳатларига кўра, аҳоли бандлиги масалалари ўзининг долзарблиги ва ўткирлигини сақлаб қолмоқда, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан маъқулланган 2012 йилда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури барчамизнинг, аввало, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг диққат марказида туриши зарур. Ушбу дастурга биноан 967 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш, уларнинг қарийб 600 мингини қишлоқ жойларда ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳисобидан 480 мингдан зиёд кишини ишга жойлаштириш, биринчи навбатда, корхоналар билан ҳамкорликда меҳнат шартномалари асосида касаначиликнинг турли шаклларини, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали 210 мингдан ортиқ кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, транспорт ва коммуникациялар қурилишини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларининг кўламини кенгайтириш ҳисобидан 2012 йилда қарийб 75 мингта янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Шу борада биз учун ўта муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир масалага тўхталиб ўтишни жоиз деб биламан. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи барчамизнинг жиддий ва доимий эътиборимиз марказида туриши зарур.

Бу йил юртимизда 516 минг нафардан зиёд йигит-қиз коллеж ва лицейларни тамомлайди. Уларнинг қаерга ишга жойлашишини ҳозирданоқ аниқ белгилаб олиш, корхоналар билан ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва ундан сўнг ишга қабул қилиш бўйича шартномаларнинг ўз вақтида тузилишини таъминлаш — бундай масалаларни алоҳида назоратга олиш лозим.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари манфаатдор корхоналар ва идоралар билан биргаликда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш юзасидан чора-тадбирлар мажмуини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва уни шу йилнинг 1 июнигача амалга оширсин.

Фурсатдан фойдаланиб, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларини, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини бу борадаги ишлар қандай йўлга қўйилгани ва қандай бажарилаётганига қараб уларнинг фаолиятига баҳо берилиши ҳақида алоҳида огоҳлантириб қўймоқчиман.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Биз 2012 йилни юртимизда "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилдик.

Жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бугунги кунда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариш, бу борада маҳалланинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, хотин-қизлар, опа-сингилларимиз учун янада кенг имкониятлар яратиш, жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялаш каби ўз олдимизга қўйган бошқа муҳим мақсадлар барчамизга яхши маълум.

Бу ўринда гап айнан шулар ҳисобидан пировард натижада оила фаровонлигини ва шу асосда бутун халқимиз фаровонлигини янада ошириш ҳақида бормоқда.

Шу кунларда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва ҳаётга жорий этиш бўйича Давлат дастурини ишлаб чиқиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Дастлабки маълумотларга кўра, мазкур дастурни амалга ошириш учун 2012 йилда молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан қарийб 4 триллион 400 миллиард сўм ва 370 миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилиши режалаштирилмоқда.

Бу маблағнинг 60 фоизга яқинини давлат маблағлари, 25 фоизини тижорат банклари кредитлари, қарийб 15 фоизини масъул ижрочиларнинг ўз маблағлари ҳамда 360 миллион доллардан ортиғини халқаро институтлар ва донор мамлакатлар маблағлари ташкил этади.

Ҳеч шубҳасиз, бундай кенг кўламда ажратилаётган маблағлар аввало шу саховатли Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар қайси оилага кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик, кўмак ва ёрдам белгиси ва тимсоли, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз дўстлар!

Ўтган 2011 йилнинг асосий якунлари ва мамлакатимизнинг 2012 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг муҳим аҳамиятга эга бўлган устувор йўналишлари ана шулардан иборат.

Ушбу дастурда белгиланган улкан вазифаларни амалга ошириш энг аввало барчамиздан бутун салоҳиятимиз, билим ва тажрибамизни, бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишни, ҳар биримиздан зиммамиздаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, самарали меҳнат қилишни талаб этади.

Олдимизда турган ана шундай юксак ва эзгу мақсадларга эришишда барчангизга чин қалбимдан соғлик-саломатлик, янги омадлар тилайман.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Давоми. Боши 1-бетда

2011 йил якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 8,3 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 6,3 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўсиши 6,6 фоизни, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми ўсиши 16,1 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси белгиланган прогноз кўрсаткичдан ошмади.

Мамлакатимиз экспорт қилувчи корхоналарининг рақобатбардошлик нуқтаи назаридан устунликларини тўлиқ рўёбга чиқариш, экспорт таркибини диверсификациялаш ва маҳсулотларни сотишнинг янги ташқи бозорларини фаол ўзлаштириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилиши 2011 йилда экспорт ҳажми 15,4 фоизга ўсишини, ташқи савдо балансининг сезиларли миқдордаги ижобий сальдосини ва мамлакат олтин-валюта захиралари ўсишини таъминлади.

Молия-банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш республика банк тизими капиталининг етарлилик даражасининг юқори кўрсаткичлари сақланиб қолинишини ҳамда кредитлаш кўламлари кенгайтирилишини таъминламоқда. Ҳисобот йилида банкларнинг активлари 32,4 фоизга ўсди. Ўзбекистон тижорат банкларининг барқарор ва ижобий ривожланиш прогнози етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам тасдиқланмоқда.

Фаол инвестиция сиёсати амалга оширилиши ҳамда иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантириш бўйича устувор инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши капитал қўйилмаларни ўзлаштириш ҳажмини 11,2 фоизга кўпайтириш имконини берди. 1006 та янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди, 144 та йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди.

Қишлоқ жойларда янги турар жой массивларини қуриш ва замонавий инфратузилмани шакллантириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш давом эттирилди. 2011 йилда 156 та қишлоқ туманида "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банкининг имтиёзли кредитлари ҳисобига намунавий лойиҳалар бўйича 7,4 мингта уй-жой фойдаланишга топширилди.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун энг қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир кенг кўламли ишлар олиб борилиши 2011 йил якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес улуши 2010 йилдаги 52,5 фоиз ўрнига 54 фоизгача кўпайишига кўмаклашди.

2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури параметрларини сўзсиз бажариш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар қарийб 1 миллионта иш ўрни ташкил этилишини таъминлади, уларнинг 68 фоизидан ортиғи қишлоқ жойларга тўғри келади.

Мамлакатимиз Президенти ўз маърузасида ҳал этилмаган мавжуд муаммоларни батафсил ва ҳар томонлама таҳлил қилди ҳамда 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишларини бажаришга қаратилган дастурий вазифаларга атрофлича тўхталиб ўтди.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдига иқтисодиётни ўстиришнинг юқори ва барқарор суръатларини сақлаб қолишни, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашни, шунингдек, иқтисодиётни изчил ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, мавжуд қувватларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнини жадаллаштириш ҳисобига мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлилигини оширишни таъминлайдиган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси қўйилди. Транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришни таъминлаш, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш ва қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда шу асосда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш масалаларини самарали ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши муносабати билан 2012 йилга белгиланган мақсадларга эришиш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, жамиятнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг аҳамиятини юксалтириш, ҳар бир оиланинг моддий фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан эътибор ва ғамхўрлик кучайтирилиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва республика ҳудудлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика ҳукумати мажлисида қўйилган масалалар муҳокамаси якуни бўйича қарор қабул қилинди. Қарорда 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим вазифалари амалга оширилишини таъминлаш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгиланди.

**ЎзА**



# Муҳокамадаги қонун лойиҳалари

### жамият ва давлатнинг жадал тараққий этишига хизмат қилади

Давоми. Боши 1-бетда

Қонун лойиҳасининг мақсади эса хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш, мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мулк дахлсизлиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг кафолатлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Таъкидландики, қонун лойиҳасини тайёрлашда хусусий мулкни амалга ошириш, қўриқлаш ва ҳимоялаш муносабатларини қонуний тартибга солиш бўйича АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция каби жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумий тамойили ва нормалари инобатга олинган.

Муҳокамада сўзга чиққан фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини ҳам билдиришди.

— Қонун лойиҳаси нормаларида хусусий мулк муддатсизлиги белгиланмоқда, — деди фракция аъзоси З.Ботирова. — Хусусан, мулкдор ўзининг мол-мулкига эгалик қилиши, ундан фойдаланиши билан боғлиқ муддат ўрнатилишига йўл қўйилмайди. Бу, хусусий мулкка нисбатан ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун жавобгарликни кучайтиришга хизмат қилади. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши иқтисодиётда хусусий мулкнинг самарали амал қилиши учун қулай шароитлар яратади. Тадбиркорлик ташаббускорлигини, айниқса, меҳнатдан манфаатдорликни рағбатлантиради. Бу ўз навбатида жамият ва давлатнинг жадал тараққий этишига хизмат қилади.

Мажлис кун тартибидан ўрин олган яна бир қонун лойиҳаси — инсон маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи, зўрлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотларнинг тарқалишини чеклаш, бу борада жавобгарликни янада кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан кўриб чиқилди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан камол топиши, болаларни ахборот муҳитининг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш учун зарур шароитларни яратишга қаратилган узлуксиз ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу қонун лойиҳаси ҳам бу борада амалга оширилаётган ишларнинг узвий давоми бўлиб, мавжуд қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда ахлоққа зид жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган.

"Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 477-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси мазмун-моҳияти хусусида маъруза қилган парламент қуйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А.Раҳимовнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасида электр энергияси ва табиий газ етказиб берилмаслиги ёки кам етказиб берилиши натижасида истеъмолчига етган зарар таъминотчи корхонадан ундирилиб берилишини таъминловчи меъёр жорий қилиш таклиф этилмоқда. Бу эса таъминотчи корхоналарнинг шартномавий мажбуриятларини ўз вақтида бажариш бўйича масъулиятини кучайтиради.

"Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзолари муҳокамасига киритилди.

Қонун лойиҳаси мамлакатимиз раҳбарининг "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, бу борадаги қонунчиликни мустаҳкамлаш назарда тутилган. Мазкур қонун лойиҳаси микромолиялаш соҳасини ва нобанк молия секторини янада ривожлантиришга ҳуқуқий замин яратади.

Таъкидландики, қонун лойиҳасида "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 19 та моддасига тегишли тартибда қўшимча ва ўзгартиш киритиш назарда тутилмоқда. Бунда соҳага оид халқаро тажриба инобатга олинган. Қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар суғурта бозори иштирокчиларининг фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

— Суғурта ижтимоий ҳимоянинг бир кўриниши, — деди фракция аъзоси К.Ҳамидова. — Демак, бу партиямизнинг мақсад ва вазифаларига тўла мос келади. Таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши амалдаги қонун ҳужжатлари тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг баробарида "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонунни янада такомиллаштиради. Ўз навбатида суғурта фаолияти соҳаси иштирокчиларининг қонуний манфаатлари тўлиқ татбиқ этилишини таъминлайди.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 июлдаги "Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенциянинг (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қоидаларини амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қарори 3-бандининг ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш лозимки, муҳокамаларда сўзга чиққан фракция аъзоларининг ҳар бир таклиф ва тавсияларида электорат манфаати устуворлик касб этди.

Мажлис сўнггида кўрилган барча масалалар юзасидан фракция нуқтаи назари белгилаб олинди.

**Фарҳод ЭРКИНОВ.**

# Мақсадлар муштарак

### аммо масаланинг ҳар бир жиҳати назаримиздан четда қолмаслиги лозим

Давоми. Боши 1-бетда

Келинг, энг аввало, O'zLiDePнинг бу борада тутган мавқеига, хусусан, унинг Сайловолди дастурига назар ташлайлик. Дастурда жумладан, шундай дейилади. *"Демократик асосда қурилган давлат органлари ва тадбиркорлик тузилмалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар иқтисодиётнинг ривожланишини ҳамда аҳолининг самарали ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлайди. O'zLiDePнинг мақсадларидан яна бири — бу қонунийлик, масъулият ва ўз ишининг устаси бўлиш ҳукм сурадиган шарт-шароит яратишдан иборатдир...*

*Партиянинг устувор вазифаси мамлакатда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, инсонга сармоя киритиш ҳисобидан фаровонлик ва аҳоли турмуши сифатини оширишга йўналтирилган ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёнида ўз роли ва аҳамиятини кучайтиришдан иборат".*

Демак, кўриниб турибдики, O'zLiDeP жамиятда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш ва мулкдорлар сонини ошириш орқали аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминламоқчи, шу орқали жамиятдаги барқарорлик ва фаровонликни мустаҳкамлашга кўмаклашмоқчи. Бизнингча, фақат бу йўл билан ижтимоий ҳимояни ва ижтимоий адолатни таъминлаб бўлмайди.

Тўғри, Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш сиёсатини тўла қўллаб-қувватлайди. Бу йўлда партия парламентдаги фракцияси орқали бизнес эгаларининг ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган қонун лойиҳалари учун ҳам овоз беради. Негаки, кичик ва хусусий бизнес — ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминловчи етакчи куч. Бунга истиқлол йилларида қўлга киритилган муваффақиятлар мисолида амин бўлдик. Чунки мазкур соҳа бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқиб, фаолият йўналишларини тез ўзгартириш, бир пайтнинг ўзида кўплаб иш ўринлари очиш имкониятига эга. Масалан, 2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилди. Бу янги ташкил этилган иш ўринларининг 600 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжаликларига, 210 мингдан ортиғи касаначилик соҳасига тўғри келади. Ўтган йилда эса яратилган қарийб 1 миллионга яқин иш ўрнининг 610 мингдан зиёди айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан ташкил этилди. Янада аниқроқ айтганда, мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоизидан ортиғи айнан мазкур соҳада меҳнат қилмоқда.

Модомики, O'zLiDeP иқтисодиётда эркин бозор тарафдори экан, Ўзбекистон "Адолат" СДП ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдори эканлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Яъни, социал демократлар бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарда ишчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бизнес тузилмаларининг ижтимоий масъулиятини ошириш ва бу борадаги қонунчилик базасини такомиллаштириш тарафдори.

> **Хулоса чиқадики, фақат тадбиркорлик тузилмаларини кўпайтириш ва ривожлантириш билангина аҳолининг самарали ижтимоий ҳимоясини таъминлаб бўлмайди. Балки, мулкдорларнинг ижтимоий масъулиятини кучайтириш ва ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, ижтимоий йўналтирилган иқтисодий лойиҳа ва дастурларнинг давлат томонидан кучли қўллаб-қувватланиши орқалигина чинакам ижтимоий адолатга эришиш мумкин.**

Мулоҳаза қилиб кўринг: дейлик, киши арзимаган маош эвазига иш билан таъминланса-ю, боз устига унга у ерда қулай, мос меҳнат шароити бўлмаса, оладиган иш ҳақи паст бўлиб, на бола-чақасининг еб-ичишига, на кийим-кечагига ва на коммунал хизматлар тўловига етмаса, яна бир муҳим жиҳат, иш берувчилар томонидан меҳнат дафтарчалари очилмаса — "бандлиги таъминланди, ижтимоий ҳимояга олинди" бўлиб қолар эканми?

Мазкур масалада Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг нуқтаи назари бирмунча тўла ва кенг қамровли дейиш мумкин. Жумладан, "Адолат"чилар ўзларини анъанавий социал демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг кўламли ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли давлат ғояларини доим қўллаб-қувватлашга қодир куч деб билган ҳолда умумдавлат (умуммиллий) вазифалар ижросига бандлик дастурини изчил амалга ошириш, тармоқларда банд аҳолининг барча қатламлари меҳнат шароити ҳамда ҳақ тўловини яхшилаш, хусусан, партия электорати вакилларининг ижтимоий кафолатларини таъминлаш нуқтаи назаридан қараяпти.

Энди ўйлаб кўринг: юқорида таъкидлаганимиздек, тадбиркорнинг ҳуқуқи ҳар томонлама ҳимоя қилинган бўлса-ю, меҳнаткашлар ишлаётган жойда қулай ва мос иш шароити бўлмаса, олаётган маоши эҳтиёж даражасига етмаса, ижтимоий ҳимоя қаерда қолади. Ижтимоий ҳимоя бўлганига яраша тўла ва албатта кучли бўлмоғи керак эмасми?

Шу ўринда "Адолат" СДПнинг сайловолди дастурида "Ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий адолат тамойилини амалга ошириш" борасидаги вазифалари қаторида ёзиб қўйган қуйидаги сатрларни келтириб ўтиш ўринли бўлурди: "Партия Ўзбекистонда амалга оширилаётган "ислоҳот ислоҳот учун эмас, авваламбор инсон учун» тамойилига риоя қилган ҳолда келгусида ҳам кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этади, аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилган аниқ саъй-ҳаракатларни амалга ошириш бундан кейин ҳам партиянинг асосий вазифаси бўлиб қолади".

Хулоса чиқадики, фақат тадбиркорлик тузилмаларини кўпайтириш ва ривожлантириш билангина аҳолининг самарали ижтимоий ҳимоясини таъминлаб бўлмайди. Балки, мулкдорларнинг ижтимоий масъулиятини кучайтириш ва ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, ижтимоий йўналтирилган иқтисодий лойиҳа ва дастурларнинг давлат томонидан кучли қўллаб-қувватланиши орқалигина чинакам ижтимоий адолатга эришиш мумкин.

Мухтасар айтганда, "Адолат" СДП ижтимоий адолат тамойилига кўра, барча ижтимоий дастурларнинг рўёби таъминотини олий мақсад деб билган, давлатимизнинг кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини доим қўллаб-қувватлайдиган, бошқа сиёсий партиялар билан муштарак келган ғоялари ижросига тўлалигича эришадиган — ўзига хос ва ўзига мос сиёсий йўлига эга бардавом сиёсий куч бўлиб қолаверади.

Мулоҳазамиз аввалида истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ бежизга мамлакатимизда ижтимоий иқтисодни юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни қисман бўлса-да эслаб ўтмадик. Чунки, айнан Муҳтарам Юртбошимиз томонидан мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат замирида кучли ижтимоий сиёсат, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга оширишни таминлаш ва жаҳон ҳамжамиятидан энг ривожланган давлат сифатида ўрин олиш ётади. Зеро, мақсадимиз битта, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, турмуш-фаровонлигини юксалтириш. Шундай экан, ҳар бир масаланинг ҳар бир жиҳати назаримиздан четда қолмаслиги лозим.

**Фарҳод ЭСОНОВ,**
"Adolat" мухбири.

## *Истиқлол солномаси:*

# Ўзбекистон ибрати

**Фахр**

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари адоғи — тўқсонинчи йилларининг бошларида дунёда, мамлакатимизда, ён-атрофларимизда, ҳар биримизнинг кўз ўнгимизга кечган мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар, янгича ва эскича қарашлар тўқнашуви, мустабид тузумнинг парчаланиши, қизил мафкура тамойилларининг таназзули мағзи пуч ҳар қандай ғоянинг умри қисқа эканлигини яна бир бор намоён этди. Халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган, миллий ривожланиш ва тараққиёт йўлини аниқ-равшан белгилаб олган бўлса-да, бир лаҳза бўлсин хотиржамликка берилиш, бирор-бир соҳани эътиборсиз қолдириш мумкин эмасди. Катта авлод онг-шуурига мустаҳкам сингган бу ҳақиқатдан бугунги ва келажак авлодлар нечоғли яхши хабардор бўлсалар айни муддао бўлур эди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асарини мутолаа қилар экансиз, мустақилликка эришиш арафасида ва истиқлолимизнинг дастлабки йилларида юз берган кўплаб воқеаларнинг жонли тафсилотлари ўқувчи кўз ўнгидан яна бир бор ўтади, халқимиз кейинги икки ўн йилликда мисли кўрилмаган тараққиёт йўлини босиб ўтганига, бу йилларнинг ҳар бири, ҳар дақиқаси муттасил кураш ва интилишлар, изланиш ва ғалабалар билан тўлалигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин. Айни чоғда бугунги тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаётимизни бутун чоралар билан асраб-авайлаш, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, дунёнинг ривожланган мамлакатлари сафидан мустаҳкам ўрин олиши учун ҳар бир киши ёши, касб-коридан қатъи назар, фидокорона меҳнат қилиши, она-юрт бойликларига бойлик қўшиши зарур эканлигини дилдан ҳис этасан.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилганида собиқ иттифоқ марказидан туриб, иттифоқдош республикаларнинг мустақиллиги хусусида калондимоғлик билан билдирилаётган беписанд баёнотлар, «миллий республикалар Москвасиз ҳеч қаёққа бора олмайди, эрта-индин ҳузуримизга яна бош эгиб келишади», деган хомтама башоратлар бошқаларни, кўя турайлик, дунёқараши аввалги мафкура таъсирида шаклланган айрим маҳаллий раҳбарларни ҳам ҳар эҳтимолга қарши оёқни узангидан олмай туришга чақирарди. Бундай пайтда ички иккиланиш жуда ёмон оқибатларга олиб келиши, халқнинг руҳига салбий таъсир кўрсатиши аввалдан маълум. Тўқсонинчи йиллар бошида озиқ-овқат таъминотидаги узилишлар, мафкуравий бўшлиқ ва бунинг оқибатида юзага келган нохушликлар ана шундай иккиланувчиларга маълум вақт қўл келиб турди.

Мана шундай мураккаб шароитда Президентимиз раҳбарлиги остида мамлакатимизда миллий тараққиётнинг халқимизга хос ва мос янги «ўзбек модели»ни ишлаб чиқишга киришилди. Ислом Каримов собиқ тузумдан қолган пароканда иқтисоднинг ташвишли ҳолатини, Ўзбекистонда юзага келган мураккаб ижтимоий вазиятни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилар экан, «Биз бундан буён эскича яшай олмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди, бошқаларнинг миннатли ёрдамига эмас, фақат ўзимизга, ўз кучимизга, халқимизнинг салоҳияти ва иродасига таяниб иш кўрамиз, ҳеч ким четдан келиб бизнинг муаммоларимизни ҳал қилиб бермайди» дея яқин-келгуси учун мўлжалланган ижтимоий-сиёсий вазифани аниқ белгилаб берди. «Ўзича мустақиллик эълон қилган Ўзбекистон дунё ҳамжамиятидан узилиб қолади, ўрта асрлар қонун-қоидаларига қайтади», дея тинимсиз башорат қилаётган кимсаларга ва бутун дунёга қарата: «Мустақил Ўзбекистон давлатининг сиёсати бундан буён инсонийлик ва эзгулик тамойилларига, умуминсоний қадриятларга асосланади», дея эълон қилди. Ҳал қилиниши ўта муҳим бўлган бирламчи вазифалар деб қуйидагилар белгиланди:

— қийин ва мураккаб аҳволдан чиқиш учун республикада юзага келган реал аҳволга объектив баҳо бериш, вазиятни соғломлаштиришнинг аниқ-пухта дастурини ишлаб чиқиш;

— қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш, янги ишчи ўринлари яратиш, қишлоқ аҳолисини, айниқса, ризқ-рўзимизни яратаётган деҳқонларни қўллаб-қувватлаш;

— барча соҳаларда қатъий тартиб-интизом ўрнатиш, раҳбар кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларга нисбатан талабчанликни ошириш;

— ҳар бир киши ўзига топширилган ишни виждонан ва ҳалол бажаришига, ташаббус кўрсатиб ишлашига эришиш.

Ёш давлатимиз олдига қўйилаётган бу вазифалар хусусида давлатимиз раҳбари қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Бизда шундай бўлмоқдаки, биз ҳамма нарса учун жавоб берамиз, айни пайтда эса ҳеч ким ҳеч нарса учун конкрет жавобгар бўлмайди. Бу, эҳтимол, ҳозирги кунда биздаги асосий иллатдир. Бундай ёндашув туфайли ишларимиз ёмон бораётганлигидан ажабланмаса ҳам бўлади. Бу борада, назаримда, ғоят муҳим жиҳатни қайд этиш лозим: ўзини аямасдан, бор кучини сарфлаб ишлаётганлар ҳам, нари-бери ишлаётганлар ҳам бир хил баҳоланмоқда. Энг аввало, ташаббускор, фикрлайдиган раҳбарни кўра билиш, унинг самарали ишлаши учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш муҳимдир».

Бу, айтиш мумкинки, жуда оғир вазифа эди. Давлатимиз раҳбари сўзлари билан айтганда, Ўзбекистон танлаган йўл «гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўли» эди.

Ҳали собиқ тузум ўз таъсир кучини сақлаб турган бир пайтда ёш давлат олдига бундай вазифаларни қўйиш, мустақиллик арафасида эса иттифоқ ҳукумати олдига: «Бизнинг асосий талабимиз мулкчилик тўғрисида. Ўзини мустақил давлат деб эълон қилган ўз ҳудудида бўлган барча ер ости-ю, ер усти бойликларига, ишлаб чиқарувчи кучларга ҳеч сўзсиз фақат ўзи эгалик қилмоғи керак», деган қатъий талабни қўйиши, жумладан, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий алоқалар боғлашда мустақил сиёсат олиб бориш лозимлигини уқдириш осон бўлмаган, албатта. Бунинг учун биринчи раҳбардан кучли ирода, қатъият ва жасорат талаб этилар эди. Давлатимиз раҳбарида айни шу жиҳатларнинг жамулжамлиги халқимизнинг бахти бўлди десак, янглишмаган бўламиз.

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ ҳаётнинг ўзи Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон танлаган мустақиллик йўлининг тўғрилигини исботлади. Мамлакатимиз қисқа муддат ичида жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли, айни чоғда фаол аъзосига айланди. Мамлакатда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган тамойиллари дунё эътиборига тушди, нуфузли ташкилотлар ҳамда мутахассисларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Биз мустақилликни сақлаб қолиш билан бирга, унинг иқтисодий, сиёсий ҳамда маънавий асосларини мустаҳкамладик, янги баркамол авлод тарбиясини йўлга қўйдик. Тадбиркорлик, ишбилармонлик бутун мамлакатда кенг қулоч ёзди. Жамиятда янги мулкдорлар синфи шаклланди. Одамларга ўз меҳнатлари самараларидан баҳраманд бўлиш имконияти берилди. Уларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти ошди. Ёшларда жамият ҳаётида фаол иштирок этиш, яъни ижтимоий фаоллик, мамлакат, миллат тақдири учун кураш туйғуси, ватанпарварлик ҳисси кучайди. Президентимиз ўртага ташлаган «Шу азиз Ватан барчамизники», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», «Инсон жамиятга, жамият инсонга ҳамнафас», «Борини асраб, йўғини яратиш йўлидан борайлик», «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун» каби шиорлар янги жамиятнинг маънавий мақсадига айланди.

Биз узоқ йиллар давомида ўз тарихимизни холис ва ҳаққоний ўргана олмадик, улуғ аждодларимиз қолдирган илмий, маънавий меросдан бебаҳра яшадик. Собиқ тузум мафкураси бунга йўл бермади. Бу мафкура бизни Амир Темурдек буюк саркарда ва давлат арбобидан, темурийзодалар маърифатидан, имом ал-Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Қаффол аш-Шоший, Бурҳониддин Марғиноний, Нажмиддин Кубро, Шайх Ҳованд Таҳур каби алломалардан узоқлаштирди. Бундай улуғ ва мўътабар зотларнинг мероси хорижий давлатларда мозийшунос олимлар томонидан кунт билан ўрганилаётган, илмий анжуманлар ўтказилаётган, асарлар ёзилаётган бир пайтда бизда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган кишиларнинг онгига коммунист доҳийларнинг коммунизм ҳақидаги чўпчаклари мажбуран сингдирилди. Халқимизнинг неча асрлик миллий қадриятлари оёқости қилинди, тилимиз ва динимиз таҳқирланди. Президентимиз раҳбарлиги остида яратилган, шу юртда яшаётган барча одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини ўзида мужассам этган, маъно-моҳиятига кўра юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ифодалайдиган миллий истиқлол ғояси бундай ғайриахлоқий зўравонликка барҳам берди. «Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа, — деб таъкидлаган эди Ислом Каримов,— ана шу юксак тушунчалар билан бирга миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат».

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, миллий ўзликни англаш жараёни осонликча кечгани йўқ. Бу жараён эски тузум тамомила вайрон бўлган, янги ёш жамият эса энди-энди оёққа тураётган, унинг ижтимоий муносабатлари аста-секин қарор топаётган бир пайтга тўғри келди. Шароит ўта мураккаб эди, баъзи йўналишларда воқеалар ривожини олдиндан айта олишга кўпларнинг журъати етмасди. Давлатимиз раҳбарининг узоқни кўра оладиган оқил сиёсати туфайли биз бу мураккаб босқичлардан муваффақиятли ўтдик. Ўтган йиллар давомида жамият ҳаёти, миллий иқтисодиёт, бошқарув ва ҳуқуқ-тартибот тизими, маданий-маърифий, таълим-тарбия соҳалари бутунлай янгиланди, келажаги буюк давлатимиз тараққий топган дунё давлатлари билан бўйлаша бошлади, бундан-да муҳим ўзгаришлар дунёқарашимизда, турмуш тарзимизда юз берди. Мамлакат, шаҳар ва қишлоқлар мустақиллик, ҳурлик либосига бурканди, ўғил-қизларимизнинг жаҳон майдонларида эришаётган оламшумул ғалабалари оламни ҳайратга солиб турибди. Она-диёримиз улкан қурилиш, бунёдкорлик майдонига айланди. Диёримизга Ўзбекистон деган бағрикенг юртни, жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган алломаларга бешик бўлган мафтункор гўшани кўриш учунгина эмас, айни чоғда, ундан ўрганиш, ибрат олиш, завқланиш учун ҳам келмоқдалар. Токи шундай экан, эришилган ютуқлар билан мағрурланиб қолмай, биздан келажак авлодларга қоладиган Озод ва Обод Ватанимизнинг илмий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий салоҳиятини янада ошириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишимиз, шу билан бирга, мустақиллик йилларида туғилган ва вояга етган азиз фарзандларимизга бу фараҳли кунларга қандай эришганимизни, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз лозимлигини ҳамиша эслатиб туришимиз зарур бўлади.

**М.АҲМЕДОВ.**

# Муҳим манба, маънавий асос



Давоми. Боши 1-бетда

— Муҳтарам Юртбошимиз бир неча бор таъкидлаганларидек, тарихдан сабоқ чиқариш эртанги келажагимизни белгилашдаги энг муҳим омиллардан биридир, — деди «Қатағон қурбонлари музейи» директори, профессор Бахтиёр Ҳасанов. — Шу маънода, «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номли асар XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги бошланиш арафасидаги тарихий бурилиш палласида рўй берган талотўплар ҳамда сиёсий ўйинлар авжига чиққан бир даврдаги воқеликларни ҳаётий мисоллар ва аниқ фактларда акс эттирган қимматли қўлланма бўлди. Ўша даврдаги ўта қалтис вазиятда Юртбошимиз жасорат кўрсатиб, халқимизнинг асрлар мобайнидаги эрк ва озодликка бўлган орзу-интилишлари, азму-шижоати ҳамда бунёдкорлик салоҳиятига таянган ҳолда собиқ иттифоқ таркибидаги давлатлар орасида биринчилардан бўлиб Республикамиз Мустақиллигини эълон қилди. Ушбу жасоратнинг ўзиёқ барчамизни Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан ёниб яшашга ундайди.

Шунингдек, ушбу асар бугун яқин ўтмишда содир бўлган тарихий жараёнларни сохталаштириб, одамларни, айниқса, у замонларни кўрмаган-билмаган ёшларни алдаб, тўғри йўлдан чалғитишга уринаётган, ўз қабиҳ ниятлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган кучларга қарши курашда ниҳоятда муҳим манба, маънавий асос бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

— Давлатимиз раҳбарининг мазкур асарида ўтган асрнинг 90-йилларида бизга четдан бўлган ҳар хил таъсирлар ҳамда Республикамиз ҳудудидаги ички вазият жуда нозик бўлганлиги аниқ ва таъсирчан мисоллар асосида ёритиб берилган, — деди Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби Илмий тадқиқот ва таҳририй нашриёт фаолиятини ташкиллаштириш бўлими бошлиғи, майор Баҳром Ибрагимов. — Ана шундай қалтис бир вазиятда мамлакатимизда ички тартибни сақлаш, фуқароларимиз хавфсизлигини таъминлашда Президентимиз раҳнамолигида Ички ишлар органлари ходимларининг ҳам ўз зиммаларидаги масъулиятли вазифани шараф билан адо этганликлари маълум бўлади. Бугун ушбу машаққатли касбни эгаллашга бел боғлаган ёш кадрлар ҳам буни яхши англамоғи лозим. Ўз ўрнида хонадонларимиз тинчлиги ва хавфсизлиги, аҳолимиз хотиржамлиги йўлида тилсиз ёв билан курашишдек машаққатли ва шарафли касбни танлаган ёнғин хавфсизлиги посбонларининг фаолиятини ҳам жасоратга тенглаштириш мумкин. Мазкур асарнинг моҳиятини чуқур англаш эса ушбу касб эгаларининг жасоратига жасорат, матонатига матонат қўшиши, шубҳасиз. Шу билан бирга, оғир бир шароитда Юртбошимиз томонидан халқимиз қалбидаги асрий орзу — истиқлол ғояси улкан жасорат билан илгари сурилиб, уни амалга ошириш учун тарихий қадамлар қўйилгани, Президентимизнинг Ватанимиз мустақиллиги, янги ҳаёт, янги жамият биноси учун замин бўлган ҳал қилувчи дастурий мақсад ва ғояларни аниқ ва равшан тассаввур этгани, сиёсий кескин вазиятларда Ислом Каримовнинг яккаю ягона тўғри йўлни топа олгани, халқимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун кечаю кундуз тинимсиз машаққатли фаолият олиб боргани алоҳида таъкидланди. Энг муҳими, Давлатимиз раҳбарининг ушбу китоби ҳар бир ватандошимиз, айниқса, миллий истиқлол тарихини яратиш ва бу тарихни янги-янги авлодлар онгига мукаммал тарзда етказиш вазифаси билан шуғулланаётган тарихчи олимлар, мутахассислар, устоз ва мураббийлар учун ғоят муҳим манба ҳисобланади ва йиллар ўтгани сари ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамияти ортиб бораверади. Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби тингловчилари ҳам улкан тарихий-илмий аҳамиятга эга бўлган ушбу асар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Дарҳақиқат, биз бугун баҳра олаётган истиқлол шукуҳи, осуда ва фаровон ҳаётимиз, иқтисодий барқарорлик, улкан бунёдкорлик, бир сўз билан айтганда, босиб ўтган 20 йиллик ўзига хос мустақил тараққиётга ўз-ўзидан эришилган эмас, албатта. Айниқса, дунёнинг кўплаб минтақаларида ҳали-ҳануз ҳукм сураётган нотинчлик ва хунрезликлар, очарчилик, «оммавий маданият» шаклида ёшлар онгига тобора суқулиб киришга ҳаракат қилаётган ғоявий, мафкуравий таҳдидлар кучайиб бораётган бир даврда миллий мустақиллик, тинчлик, осойишталик, тўкинчилик қадр-қимматини барчамиз чуқур англашимиз, бугунги дориломон кунларнинг қадрига етишимиз, истиқлолимизни кўз қорачиғимиздек асрашимиз лозим.

**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири.

# Инновация ва ёшлар

**Давра суҳбати**

Тошкент Кимё-технологиялар институтида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси «Ёш адолатчилар» қаноти ташаббуси билан «Ёшларда инновацион фикрлашни шакллантириш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масалалари» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, «Камолот» ЁИҲ вакиллари, ёш тадқиқотчилар, олий ўқув юртлари талабалари ҳамда партия фаоллари иштирок этишди.



Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Х.Маматов мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида замонавий ахборот технологияларини барча соҳаларга кенг татбиқ этиш, ёшларда инновацион кўникмаларни шакллантиришга юксак эътибор қаратиб келинаётгани, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бунда муҳим дастуриламал бўлаётганини таъкидлади.

— Бугун фан ва технологиялар шиддат билан ривож топаётган бир замонда мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида инновацияларнинг нечоғли муҳим ўрин тутаётгани ҳечкимга сир эмас, — деди маърузачи. — Илғор илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларнинг амалиётга татбиқ этилиши ҳамда саноат ва ишлаб чиқариш соҳасида қўлланилиши иқтисодиётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Бизнинг «Адолат» социал-демократик партиямиз томонидан иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, уни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилиб, иқтисодиёт энг замонавий илм-фан ва техника ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш, илғор инновацион фикрлашни тарбиялайдиган таълим тизимига таяниш зарур деб ҳисобланаётгани ҳам бежиз эмас, албатта. Шундай экан олимларимиз, ёш тадқиқотчиларимиз томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга татбиқ этиш, назария ва амалиёт ўртасидаги узвий боғлиқликни мустаҳкамлаш зарур. Бугун ташкил этган тадбиримизнинг аҳамияти ва мақсади ҳам ёшларда инновацион фикрлашни шакллантириш, ўз инновацион лойиҳалари ва ишланмаларининг амалиётга татбиқ этилишида ишончини мустаҳкамлашдан иборат.

— Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловолди дастурида инновация туридаги иқтисодиётни ташкил этиш муҳим вазифа этиб белгиланган, — деди партиянинг Парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзоси Ф.Омонова. — Партиямиз томонидан Миллий инновация тизимини ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Негаки, бу яқин истиқболда ғоялар, ихтироларни реал амалиётга тез татбиқ этишга асосланган инновацион иқтисодиётга ўтиш учун муҳим омилга айланади. Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари томонидан мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш юзасидан ишлар олиб борилмоқда ҳамда «Инновациялар ва инновацион фаолият тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси соҳани ҳуқуқий тартибга солиш ва инновацион фаолиятга кенг йўл очиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

— Бизнинг Тошкент Кимё-технологиялар институтида ҳам инновацион фаолиятга алоҳида эътибор бериб келинмоқда, — деди институт ректори С.Туробжонов. — Илмий тадқиқот ишларини ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш ва ушбу ишларга ёшларни жалб этиш мақсадида институтимизда инновацион марказ фаолият юритмоқда. Ушбу марказ билим юртимизнинг мутахассислик кафедралари таркибидаги 38 та инновацион гуруҳларни бирлаштирган. Ушбу инновацион гуруҳларнинг фаолияти «Ўзкимёсаноат» ДАК, «Ўзбекнефтегаз» МҲК, «Ўзқурилишматериаллари» АК, «Ўзёғмойозиқовқат» уюшмалари тасаррудидаги корхоналарнинг муаммолари ечимларига қаратилган. Ана шу муаммоларни ечишда ёшларимиз фаол иштирок этмоқдалар.

Ҳозирги кунда топинамбур ўсимлиги асосида целлюлоза олиш муаммоси бўйича бир гуруҳ ёш олимларимиз изланишлар олиб бориб, маҳаллий хомашё асосида қоғоз ишлаб чиқариш юзасидан саноат тажриба синовларини ўтказмоқдалар. Ушбу йўналиш бўйича институт қошида кичик инновацион корхона барпо этилаётган бўлиб, ишни йўлга қўйишда ёшларимизнинг роли катта бўлмоқда. Бундан ташқари, ҳар йили анъанавий равишда ўтказиладиган Республика инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар ярмаркасида ёшларимиз ўз лойиҳалари билан фаол иштирок этиб келмоқдалар. Инновацияларнинг мамлакатимиз саноатини модернизациялаштиришдаги роли ошиб бораётган бир пайтда ёшларда инновацион маданиятни шакллантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани бизни қувонтиради. Ўзбекистон «Адолат» СДП томонидан мазкур соҳанинг қўллаб-қувватланаётганлиги ва унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилаётган эътибор эса янада аҳамиятлидир.

Давра суҳбатида бир қатор иқтидорли ёшлар ўз инновацион лойиҳа ва ишланмалари билан иштирок этишди.

— Мен илгари сураётган «Сув ўтларини ўстиришга ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш лабораторияси марказини ташкиллаштириш» мавзусидаги инновацион ғоям келгусида мустақил республикамизнинг тараққиёти учун хизмат қилишидан умидворман, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг «Энг яхши ижтимоий бизнес ғоя» кўрик-танлови ғолиби, Тошкент Кимё-технологиялар институти талабаси Шавкат Азимов. — Ушбу инновацион лойиҳа сув ўтларидан биологик фаол моддалар олиш ва улардан саноатда фойдаланишда қўл келади. Қолаверса, мамлакатимизда ноанъанавий усулда озиқ-овқат саноати учун оқсил, витамин ва ферментга бой қўшимчалар, антиоксидант препаратлар, фармацевтик дори воситалари учун манбалар (жумладан, саратон касаллигининг олдини олувчи воситалар), ўсимликларни ҳимоя қилувчи ва уни ривожлантирувчи манбалар, шунингдек, чорвачиликни ривожлантириш мақсадида тўйимли, витаминли, оқсилли ва ферментли озуқа еми қўшимчалари ҳамда кимё саноати учун антиоксидант препаратлар тайёрлашда ўта муҳим ва таннархи арзон, экологик тоза, рақобатбардош технологик линияни шакллантириш, ишга туширишга кўмаклашади.

Шунингдек, тадбирда бир қатор ёш тадқиқотчиларнинг «Муқобил энергия турларини ривожлантиришнинг самарали тажриба ва истиқболлари», «Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича инновацион лойиҳа», «Ёшлар ва инновация — тараққиёт омили» сингари маъруза ва чиқишлари тингланди. Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

Бундай анжуманларнинг тез-тез ташкил этилиши инновацион лойиҳалар кўламини янада кенгайтириш, йигит-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда таълим ва сиёсий партиялар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, изланувчан, ташаббускор ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, жамиятда инновацион маданиятни юксалтиришда таълим ўрнининг ошишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Тадбир сўнггида ёшларнинг инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш юзасидан уларнинг таклиф ва мулоҳазалари тингланди, керакли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Илёс ШЕРМУРОДОВ,**
«Adolat» мухбири.

# “Рақобат тўғрисида”ги қонун кучга кирди

**Депутат минбари**

Ривожланган давлатлар босиб ўтган йўл ва тарихий тажриба бозор иқтисодиёти тараққиётида рақобат муҳим ўрин тутишини кўрсатади. Мамлакатимизда ҳам соғлом рақобатни ривожлантиришга, бунинг баробарида монополияга қарши қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга устувор эътибор берилаётгани бежиз эмас.



Анвар СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси.

Президентимиз Ислом Каримов 2010 йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” номли маърузасида бу масалага яна бир бор алоҳида тўхталиб, “Амалдаги “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонун бугунги кунда эскирди ва замон талабларига жавоб бермай қолди. Шуни эътиборга олган ҳолда “Рақобат тўғрисида”ги янги қонунни ишлаб чиқишимиз ва қабул қилишимиз зарур. Ушбу қонунда монополистик фаолиятини нафақат товарлар бозорида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солишни назарда тутиш лозим”, дея таъкидлаган эдилар.

Ўтган қисқа муддат ичида Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Рақобат тўғрисида”ги янги Қонун 2012 йилнинг 7 январидан кучга кирди. Худди шу кундан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонуни ўз кучини йўқотди.

Янги Қонуннинг ўзига хос янги жиҳатларидан бири шуки, қонун молия бозорларида монополлашиш, рақобатнинг чекланиши ва устунлик мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолатларига барҳам бериб, соғлом рақобат муҳити юзага келишини таъминлайди, яъни умуман олганда товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Қонунга кўра, молия бозори — банклар ҳамда бошқа кредит, суғурта ва ўзга молия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматнинг, шунингдек, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари хизматларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доирасидир.

Шунингдек, қонунда “Шахслар гуруҳи”, “Устун мавқе”, “Товарнинг монопол юқори нархи”, “Товарнинг монопол паст нархи” сингари тушунчалар изоҳлари кенгайтирилиб, алоҳида моддаларга киритилган.

Аввалги қонунда устун мавқе товар бозорида хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи товарининг улуши 65 фоизни ташкил этса, шу хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг мавқеи устун мавқе дея эътироф этилганди. Эндиликда бу миқдор эллик ва ундан ортиқ фоизни ташкил этади. Шунингдек, товар бозорида хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи товарининг улуши ўттиз беш фоиздан эллик фоизгача ҳажмда бўлгани ҳолда бир қатор шартлар (хўжалик юритувчи субъектнинг товар бозоридаги улуши камида бир йил мобайнида барқарор бўлиб туриши; товар бозорида бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) тегишли улушларнинг нисбий миқдорда бўлиб туриши; ушбу бозорга янги хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) киришига имконият бўлиши) бажарилган тақдирда ҳам шу хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг мавқеи устун мавқе деб эътироф этилади.

Янги Қонунда алоҳида боб “Рақобатга қарши ҳаракатлар” деб номланган бўлиб, мазкур боб устун мавқени суиистеъмол қилишга ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларига қарши қаратилган. Қонуннинг алоҳида бир боби эса давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг рақобатни чеклайдиган ҳужжатлари ҳамда ҳаракатларини тақиқлаш ҳақида.

Қонунда бозор иқтисодиётининг абадий двигатели бўлган соғлом рақобатни ривожлантириш бўйича бир қатор ҳуқуқий меъёрлар ўз ифодасини итопган.

Шубҳасиз, “Рақобат тўғрисида”ги янги Қонун бозор иқтисодиёти тамойиллари устувор булган жамиятимизда тараққиётнинг асосий шарти бўлган соғлом рақобатнинг янада кучайишига, иқтисодиётнинг янада эркинлашувига ва барқарорлашувига хизмат қилади. Айни пайтда мазкур қонун адолатлилик ғоясига, барча фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга мос келиши билан ҳам “Адолат” СДПнинг мақсад ва манфаатларига тўла жавоб беради

# Контрафакт маҳсулот — иқтисодиётимиз тараққиёти ва мафкурамизга зид таъминот

**Долзарб мавзу!**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва Парламентлараро алоқалар қўмитаси фаолиятида республикамиз ҳудудига контрафакт маҳсулот олиб киришнинг олдини олиш мақсадларида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб норматив-ҳуқуқий масалаларига бағишланган тадбирлар, учрашувлар ва давра суҳбатлари катта ўрин тутмоқда. Уларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Адлия, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, олий ўқув юртлари вакиллари, эксперт-мутахассислар, Қўмита аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари мунтазам иштирок этиб келишмоқда.

Зеро, биласиз, контрафакт маҳсулот деганда — илмий ишлар, ихтиролар, кашфиётлар, адабиёт ва санъат асарлари, савдода анчайин мавқега эга бўлган харидоргир товарларнинг белгисидан ёки шунга ўхшаш белгилардан, ёрлиқлардан, шартли белгилари ёхуд қадоқлардан ҳамда бошқа қиёслаш воситаларидан ноқонуний фойдаланиш, патент эгаларининг розилигисиз, муаллифлик ҳуқуқларини бузган ҳолда уларнинг товар белгилари остида ишлаб чиқариладиган товар — аудио ва видео маҳсулотларини кўпайтириш, дастурий таъминот ва маълумотлар базаларини тасарруф этиш ҳолатлари тушунилади. Шунингдек, муҳофаза қилинадиган асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг бундай асарларини ва турдош объектларини муҳофаза қилиш тўхтатилган ёки ҳеч қачон муҳофаза қилинмаган давлатлардан бирор-бир розиликсиз импорт қилинадиган нусхалар ҳам контрафакт маҳсулотлардир. Чунки, ана шундай контрафакт ва қалбакилаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқиш оқибатида ҳозир ҳар йили жаҳон иқтисодиётига 240 миллиард АҚШ долларигача зарар етмоқда ва халқаро экспертлар баҳоларига қараганда, бу жаҳон савдо айланмасининг ўртача 6 фоизигача тенг.

Ўзбекистонда мамлакатимиз ҳудудига контрафакт маҳсулотларни олиб кириш ва олиб чиқиш ҳамда тарқатилишига йўл қўймаслик учун етарли даражада қонунчилик асоси таъминланиб, бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлиги барчага ойдин. Масалан, бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилотини таъсис этувчи Конвенция, Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенцияси, адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн Конвенцияси сингари кўп ва икки томонлама халқаро шартномалар асосида ривож топаётган ҳамкорликлар шулар жумласидандир.

Амалга оширилаётган мазкур чора-тадбирлар ички бозорларимизнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилишга, улар маҳсулотларининг ички бозордаги рақобатбардошлигини оширишга ва умуман, мамлакатимизда иқтисодий ривожланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида таъкидлаганидек, **“Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг энг муҳим истиқболлари ва устувор йўналишларини белгилаб олар эканмиз, биз ички эҳтиёжнинг ўсишига алоҳида эътибор қаратишимиз керак бўлади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини юмшатишга қаратилган, Инқирозга қарши чоралар дастурида ана шундай ёндашув асосида иш тутганимиз ўтган йилларда ўзини тўла оқлади. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда Осиёдаги кўплаб мамлакатлар айнан шундай позицияга амал қилиб келмоқда”**.

Айни кезда Олий Мажлис Қонунчилик Палатасининг Халқаро ишлар ва Парламентлараро алоқалар қўмитаси маълумотлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ички бозорларда контрафакт ва қалбаки маҳсулотларнинг айланиши муайян тарзда бўлса-да давом этмоқда. Бу эса контрафакт маҳсулотлари ҳуқуқбузарлигига қарши курашиш борасида янада таъсирчан чоралар кўришни тақозо этмоқда.

Контрафакт маҳсулотларини ишлаб чиқариш республикамизда асосан аудио-видео ёзувли кассета ва лазер дискларни кўпайтириш соҳасида тарқалган бўлиб, бу борадаги ҳуқуқбузарликлар олдини олиш бўйича Давлат солиқ қўмитаси хизмати органлари томонидан қатор ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, ўтган 2011 йилнинг 11 ойи давомида давлат солиқ хизмати органлари томонидан аудио-видео ёзувли кассета ва дискларни ноқонуний сотишнинг олдини олишни назорат қилиш юзасидан 1272 та текшириш ва рейд тадбирлари ўтказилиб, уларнинг барчасида турли хил қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган.

Масалан, назорат тадбирлари давомида 91 та ҳолатда рухсат гувоҳномалари олмасдан (лицензиясиз) фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектлари борлиги маълум бўлди. 1133 ҳолатда ноқонуний равишда аудио-видео кассеталар ва дискларни сотиш, 109 ҳолатда уларни ноқонуний равишда кўпайтириш, ишлаб чиқариш, сотиш каби қонунбузарликлар мавжудлиги аниқланган. Ноқонуний сотилаётган умумий қиймати 913,3 миллион сўмлик 547097 дона контрафакт аудио-видео кассеталар ҳамда лазер дисклари далилий ашё сифатида олиб қўйилган. Текширишлар натижаси бўйича 96 ҳолатда тўпланган материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилиб, 25 ҳолатда жиноий ишлар қўзғатилган ҳамда айбдор 1085 нафар шахсга нисбатан тегишли чоралар кўрилган. Шунингдек, бозорлар ва савдо мажмуалари ҳудудида ўтказилган назорат тадбирларида ҳам 993,2 миллион сўмлик контрафакт маҳсулотлар олиб қўйилган. Уларнинг 44 фоизи аудио-видео ва лазерли диск маҳсулотлари, 13 фоизи ҳар хил кийим-кечаклар, 10 фоизи озиқ-овқат маҳсулотлари, 8 фоизи маиший техника буюмлари ва 25 фоизи бошқа турдаги маҳсулотлар бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан ҳам республикамизнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга миллий маънавиятимиз ва мафкурамизга зид бузғунчи ғояларни, шафқатсизлик ва зўравонликни, фахш ва ахлоқсизликни тарғиб қилувчи ҳамда турли диний мавзудаги ёзма нашрлар, кино-видео, аудио маҳсулотларини ҳудудимизга ноқонуний кириб келиши, сотилиши ва тарқатилишига қарши курашиш борасида муайяна тадбирлар амалга оширилмоқда. Қўмита бошқармалари томонидан амалга оширилган мақсадли тадбирлар натижасида, 2011 йилнинг январь-ноябрь ойлари давомида жами 1036 та ҳолатда миллий маънавиятимиз ва мафкурамизга зид бузғунчи ғояларни, шафқатсизлик ва зўравонликни, фахш ва ахлоқсизликни тарғиб қилувчи, турли диний мазмундаги 9166 та ёзма нашрлар, видео ва аудио ҳамда бошқа шу каби материалларни сарҳадларимиз чегарасидан олиб ўтишга чек қўйилди. Таъкидлаш жоиз, аниқланаётган ҳолатларнинг аксарият қисми миллий маънавиятимиз ва ахлоқ одобга зид бўлган порнографик мазмундаги видео, CD, DVD, VCD ва уларни ташувчи бошқа воситаларни ташкил қилмоқда.

Мазкур йўналишда олинаётган маълумотлар ва божхона органлари томонидан аниқланаётган ҳолатлар таҳлили ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳудудида иқтисодий жиноятлар, шу жумладан, контрафакт ва қалбакилаштирилган товарларни ички бозорда муомалага киритилиши ҳамон учраб турганлигини кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётига жиддий зарар етказиши билан бирга аҳоли соғлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Контрафакт маҳсулотларга қарши кураш йўналиши ғоят муҳим сиёсий ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифа бўлиб, контрафакт нусхаларга қарши кураш олиб бориш соғлом рақобатни таъминлаш воситаси ҳисобланади.

Қолаверса, контрафакт нусхалар мавжудлиги иқтисодий жиҳатдан ҳам хавфлидир. Негаки, контрафакт нусхалар, легал нусхаларга нисбатан паст сифатли бўлади. Бу эса ўз-ўзидан истеъмолчиларни паст сифатли товарлар билан таъминланишига олиб келади ва кўп ҳолларда контрафакт нусхалар хуфёна иқтисодиёт маҳсули бўлади. Бинобарин, контрафакт нусхани сотиб олиш ҳам хуфёна иқтисодиётни рағбатлантириш билан баробар.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда аҳолини сифатли озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат моллари билан таъминлаш, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар билан бойитиш борасида кўламдор ташкилий-ҳуқуқий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, контрафакт маҳсулотларни олиб кириш ва олиб чиқиш ҳамда мамлакатимиз ҳудудида тарқатилишига йўл қўймаслик учун юртимизда етарли даражада қонунчилик асоси таъминланган. Бу соҳада қонунбузарликлар билан курашишлари лозим бўлган махсус давлат идоралари сергак ишлаб турибди. Халқаро ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб, ривож топмоқда. Шунингдек, нодавлат ташкилотлари фаолияти ҳам жонланиб бормоқда. Улар ҳуқуқ-тартибот идоралари билан биргаликда мамлакатимизда контрафакт маҳсулотларини тарқатишга йўл қўймаслик борасида мутассил тегишли тадбирлар ўтказяптилар. Пировардида, буларнинг ҳаммаси, табиийки, ички бозоримизнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудига контрафакт маҳсулотларнинг олиб кирилишини олдини олишга қаратилган ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасида ўтказилган давра суҳбатида билдирилган таклифларда: контрафакт маҳсулотларни мамлакатга олиб кириб, тарқатиб бўлингандан кейин эмас, балки аввал бошиданоқ, яъни Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини кесиб ўтиш чоғидаёқ чек қўйилиши кераклиги қайд этилди. Айни кезда мамлакатимиз ҳудудидаги контрафакт маҳсулотларини яширин ишлаб чиқарувчилар фаолиятини аниқлаш ва уларни бартараф этиш борасида назоратни янада кучайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Келиб чиқиши номаълум ва сифатига кафолат бўлмаган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат молларининг ишлатилиши саломатлик ва оилавий бюджетга қандай талафот келтириши мумкинлигини аҳолига кенг тушунтириш бўйича тарғибот ишларини кучайтириш, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси ҳамда Жиноят Кодексининг бу каби қонунбузарликларга чек қўйишга қаратилган айрим моддаларини янада такомиллаштириш ҳамда уларда жавобгарликни кучайтириш масаласини кўриб чиқиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексининг янги таҳририда божхона идораларининг контрафакт маҳсулотларини олиб кириш ва тарқатишнинг олдини олиш ва чек қўйиш бўйича ваколатларини кучайтириш лозимлиги, нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги амалдаги қонунчиликка контрафакт маҳсулотларни олиб кириш ва тарқатишга қарши курашдаги самарали ҳамкорлик учун рағбатлантирувчи чораларни киритиш орқали фуқаролик жамияти институтларини, биринчи навбатда, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияларини фаол жалб қилиш мақсадга мувофиқлиги давра суҳбати иштирокчиларининг якдил таклифи бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан 2012 йилда контрафакт маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинишининг олдини олиш бўйича Саноат мулкини муҳофаза этиш Париж Конвенциясининг Стокгольм ҳужжати ва адабий-бадиий асарларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Берн Конвенцияси нормалари ижросининг бориши юзасидан Тошкент шаҳрида назорат-таҳлилий тадбир ўтказиш каби чоралар белгилангани ҳам кўриб чиқилган масаланинг бугунги кунда нечоғли долзарблигини яққол исботлаб турибди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясида ҳам мазкур масалалар юзасидан бўлиб ўтган муҳокамалар чоғида контрафакт маҳсулотлар, бу — иқтисодиётимиз тараққиёти ва мафкурамизга буткул зид таъминот эканлиги юзасидан қўмитага таклифлар берилди.



Умид ЖУМАНИЁЗОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси.

# Банк кўмаги мадад бўлмоқда

**Дил сўзи**

Президентимиз раҳнамолиги билан мамлакатимиз бўйлаб изчил амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотлар жараёнида молия-банк тизими тобора мустаҳкамланиб, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожи ва халқимиз фаровонлиги ошишда катта ижобий ўзгаришлар юз бераётгани бугун барчага ойдек, кундек равшан. Тизимнинг бақувват молия муассасаларидан бири — “Ипотека банк” ва унинг жойлардаги филиаллари томонидан аҳолига кўрсатилаётган намунали банк хизматлари фикримизнинг яққол далилидир.

Масалан, банкнинг Сурхондарё филиали жамоаси иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бўлган — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сармоявий лойиҳаларини молиялаштиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Банкда мижозлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Уларнинг малакали ходимлари тадбиркорлик фаолиятини энди бошламоқчи бўлган кишиларда ғайрат-шижоат уйғотиб, ўзларига нисбатан катта ихлос ва ишонч ҳиссини туғдирмоқда. Жумладан, биз ҳам мазкур банк филиали мижози бўлганимиз учун бунга ўз фаолиятимизда амин бўлдик.

2011 йилда унда ўз ҳисоб рақамимизни очдик. Фаолиятимизнинг илк давридан бошлабоқ банкнинг ҳар бир ходими мижозларга хушмуомалалиги, самимий муносабати, малакали билими ҳамда кўрсатаётган банк хизмати билан барчани мамнун этиб келаётганига гувоҳмиз.

Бу ердан икки йил муддатга 50,0 миллион сўм МДФ дераза-эшик ромлари ишлаб чиқариш учун кредит олдик. Кредит эвазига амалга оширилган лойиҳамиз билан банк томонидан ўтказилган танловнинг “Ёш тадбиркор” номинацияси республика босқичида ғолиб чиқдик. Шундан сўнг биз янада руҳланиб, банк филиалига алюмин профил эшик-дераза ромлари ишлаб чиқариш учун янги лойиҳа тақдим этдик. Лойиҳамиз ўрганиб чиқилиб, банкнинг имтиёзли кредит жамғармаси ҳисобидан икки йил муддатга қўшимча 30,0 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Натижада корхонамизда яна янги 10 та ишчи ўринлари вужудга келди. Даромад манбаимиз кенгайди. Янги — “Мустаҳкам оила йили”нинг дастлабки ойидан бошлаб уй-жой қураётган оилалар иморатларига ҳар қачонгидан сифатли ва кўп миқдорда турли хил ўлчамдаги эшиклар, дераза ромлари тайёрлашга киришдик.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, фаолиятимизни йўлга солиб олиб, яхши кўрсаткичларга эришаётганимизда ўз молиявий кўмаги билан мадад бўлаётган “Ипотека банк” ва унинг Сурхондарё вилоят филиали жамоаларига ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

IPOTEKA BANK

Беҳзод САФАРОВ,
“Бойсун Бунёдкори” хусусий корхонаси раҳбари.

# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА “ОЛТИН ҚАЛАМ” VII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

**Диққат, танлов!**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида “Олтин қалам” VII Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2011 йилнинг 31 мартидан 2012 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2012 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

**Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:**

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот**. Ғолиб махсус диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1, 2, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:**

— журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;
— фаол фуқаролик позицияси учун;
— ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
— ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
— Мустаҳкам оила йилига бағишланган энг яхши материал учун;
— маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;
— ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;
— энг яхши журналистик текширув учун;
— мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;
— энг яхши режиссёрлик иши учун;
— энг яхши матбуот хизмати;
— энг яхши фоторепортаж учун;
— энг яхши карикатура учун;
— чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

“Олтин қалам” танлови ғолиблари ва совриндорларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:
— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни 2012 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

*Материаллар “Олтин қалам” танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:*
*Ўзбекистон Республикаси, 100129,*
*Тошкент шаҳри,*
*Навоий кўчаси, 30-уй.*
*Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси*
*3-қават, 30, 35, 37-хоналар*
*Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.*
*www.Journalist.uz*

# Малакали кадрлар — жамиятнинг етакчи кучи

**Ислоҳот самараси**

Замонавий билимларни пухта эгаллаган, таълим-тарбия соҳасидаги энг илғор, давр синовидан ўтган тажрибалардан хабардор малакали кадрлар миллий тараққиёт сари юз тутган жамият ҳаётида муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бошчилигида кадрлар тайёрлашнинг миллий истиқлол ғояларига асосланган янги тизимини яратишга, таълим-тарбия жараёнини янги замон талабларига мослаштиришга алоҳида эътибор берилди. Дастлаб Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонуни қабул қилинди. Шу қонун асосида мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури юзага келди.

Мазкур дастурдан кўзланган асосий мақсад таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни собиқ тузум мафкурасидан қолган эски қараш ва қолиплардан халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи, айни чоғда янги дунёқарашга эга бўлган малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдан иборат эди. Бунинг учун биринчи навбатда бир неча муҳим вазифаларни, жумладан:

— “Таълим тўғрисида”ги қонун асосида мамлакатда таълим тизимини ягона ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуи сифатида аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ривожлантиришни таъминлаш;

— таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотлар, демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнига мослаш;

— кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш каби масалаларни ҳал этиш талаб этилар эди. Таълим соҳасини мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболлари ҳамда жамият эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тубдан ислоҳ қилиш, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро самарали интеграциялашувини таъминлаш, узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан, чет эл инвестицияларини жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш зарур эди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш — таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади”.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, мамлакатимизда бу вазифалар босқичма-босқич муваффақиятли равишда амалга оширилди. Жумладан, биринчи босқичда таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражаси, малакаси, маънавий-ахлоқий савиясига қўйиладиган юксак замонавий талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартлари яратилди ва амалиётга жорий этилди. Ўқитилаётган ҳар бир фан бўйича ўқув-услубий мажмуаларни тайёрлашга киришилди. Ўқувчи ва талабаларнинг билимини баҳолашнинг ҳамда таълим муассасалари фаолиятига баҳо беришнинг рейтинг тизими ишлаб чиқилди.

Иккинчи босқичда мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига, шунингдек, ўқувчиларнинг қобилият ҳамда имкониятларига қараб табақалаштирилган таълимга ўтиш тўла амалга оширилди. Таълим муассасаларининг малакали педагог кадрлар билан тўла таъминланиши натижасида уларнинг фаолиятида соғлом ижобий-педагогик рақобат муҳити юзага келди. Таълим муассасаларининг моддий-техника ҳамда ахборот базаси, ўқув-тарбия жараёни янги замонавий дарсликлар ҳамда илғор педагогик технологиялар билан мустаҳкамланди. Айни чоғда, узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш амалга оширилди.

Учинчи босқичда таълим соҳасини ислоҳ қилиш борасида тўпланган дастлабки тажрибаларни умумлаштириш асосида кадрлар тайёрлаш тизимини мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ равишда янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга, мактаб таълими, айниқса, умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди. Чунончи, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг узвий ва мантиқий давоми сифатида 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастури қабул қилинди. Ушбу дастурда мамлакатимиздаги ўн мингга яқин умумтаълим мактабларининг моддий-техник ҳамда педагогик базасини янада мустаҳкамлаш, ўқитувчиларнинг меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 20 майда қабул қилган “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

Таълим соҳасига бўлган бундай эътибор, табиийки, ўзининг ижобий самарасини кўрсата бошлади. Истиқлол йилларида нуфузли хорижий олий ўқув юртларининг олтита филиали мамлакатимизда ўз фаолиятини бошлади. Бугунги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртларида 150 дан зиёд бакалавр йўналиши ва 650 та магистратура мутахассислиги бўйича давлат стандартлари жорий этилган. Биргина 2010 йилнинг ўзида олий ўқув юртлари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида инновацион лойиҳа ва технологиялар ишлаб чиқариш учун умумий қиймати 4,7 миллиард сўмдан зиёд шартномалар тузилди, давлат фан ва техника дастурлари ҳажми эса 6 миллиард сўмни ташкил этди.

Муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида таъкидланганидек, “Истиқлол даврида барпо этилган, барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, замонавий касб-ҳунар ва илм-маърифат сирларини ўрганаётган, ҳозирданоқ икки-уч тилда бемалол гаплаша оладиган минглаб ўқувчилар, катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истеъдоди ва салоҳиятини ёркин намоён этаётган ёш кадрларимиз мисолида ана шундай орзу-интилишларимиз бугуннинг ўзида ўз ҳосилини бераётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз”.



Мамлакатимизда янгидан шаклланган юксак даражадаги таълим тизими дунёнинг кўпгина нуфузли ташкилотлари томонидан расман эътироф этилмоқда. Жумладан, ўтган йили Европа таълим жамғармаси вакилларининг мамлакатимизга ташрифи чоғида жамғарма раҳбари Мадлен Шербан қуйидагиларни таъкидлади: “Мамлакатингизда таълим соҳасида сонга эмас, сифатга эътибор қаратилаётгани мени қувонтиради. Ташриф чоғида мен Олий ва ўрта махсус таълим, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси вакиллари билан учрашдим. Мазкур вазирлик ва идораларнинг ўзаро мувофиқликда олиб бораётган ишлари иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг турли тармоқларида эҳтиёж сезилаётган малакали кадрларни тайёрлашга, шубҳасиз, катта ҳисса қўшади”.

Жамғарма раҳбарининг фикрича, Ўзбекистон юқори даражадаги таълим тизимига эга ва шу боис Европа иттифоқининг мазкур соҳада ўзаро ҳамкорликка бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

Бундай эътирофларни яна кўплаб келтириш мумкин. Мамлакатимиз ёшлари бугун дунёнинг қатор нуфузли олий ўқув даргоҳларида таҳсил олаётганликлари, табиий ва аниқ фанлар соҳасидаги муҳим илмий изланишлари, қўлга киритаётган ютуқлари билан ўзларининг юксак салоҳиятларини намоён этмоқдалар.

Дунё, одамларнинг дунёқараши, турмуш тарзи муттасил ўзгариб бормоқда. Бинобарин, таълим тизимини давр талаби, тўпланган тажрибалар, Президентимиз Ислом Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да таклиф этилган янги ғоялар асосида бундан буён ҳам муттасил такомиллаштириб бориш бугунги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, ахборот оламининг глобаллашуви боис, ёшлар онги ва қалби учун кураш жиддий тус олган, турли ғаразли ғоя ва оқимларнинг хуружи турли кўринишларда давом этаётган бир пайтда таълим ва тарбия жамиятнинг ҳамиша диққат эътиборида бўлмоғи даркор.

**Муҳаббат АҲМЕДОВА,**
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти тадқиқотчиси.

Яқинда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида “Polvonlar Milliy Ensiklopediyasi” жамияти ташаббуси билан “TAFISA Шяулай 2012 йил V-Бутунжаҳон ўйинларида туризм, ўзбек халқ ўйинлари ва миллий спорт турларининг ўрни” мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

# “Жунтепки” TAFISA ўйинларида

**Янгилик**

Ўзбек халқ ўйинлари ва миллий спорт турларини жаҳонга танитиш ҳамда халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида ташкил этилган мазкур анжуманда Шяулай 2012 йил 5-Бутунжаҳон ўйинларининг директори Кестутис Петрайтс (Литва) ва Бутунжаҳон ўйинларининг ташкилий қўмитаси аъзоси, FILАда Анъанавий спорт турлари қўмитаси Президенти Вилеита Гинтаутас (Литва), Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази, яккакураш федерациялари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари ва талабалар иштирок этишди.

Хабарингиз бор, ўтган йилнинг 10-14 ноябрь кунларида Туркиянинг Анталия шаҳрида TAFISA (The Association For Internatinal Sport for All) халқаро ассоциациясининг 22-Бутунжаҳон конгресси ва Бош ассамблеясининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси номидан “Polvonlar Milliy Ensiklopediyasi” жамияти 80 дан ортиқ давлатлар қаторида иштирок этиб, мазкур нуфузли ташкилотнинг ҳақиқий аъзоси этиб сайланганди. Галдаги вазифа эса 2012 йил Литванинг Шяулай шаҳрида ва 2016 йил Индонезиянинг Жакарта шаҳрида бўлиб ўтадиган TAFISAнинг Бутунжаҳон ўйинларида ўзбек халқ ўйинларини ва миллий спорт турларини намойиш этиш ҳамда уларни келажакда ушбу мусобақа ўйинларига киритиш масаласи эди. Шу боис анжуманда миллий қадриятларимиздан бири бўлган “Жунтепки” (ланка) ўйинини 2012 йил Шяулай шаҳрида бўлиб ўтадиган мусобақада намойиш этишга келишиб олинди.

Шунингдек, “Ўзбек жанг санъати” миллий спорт турини ҳам 5-Бутунжаҳон ўйинларида намойиш қилиш масаласи кўриб чиқилди. Қолаверса, мазкур спорт байрамида ўзбек туризмни намойиш қилиш ва мамлакатимиз тарихий обидалари тўғрисида фотоальбомлар ва электрон манбалар билан таъминлаш масаласи кўриб чиқилди.

Шу ўринда “Жунтепки” миллий ўйини хусусида икки оғиз сўз: халқ орасида “пўстактепар” номи билан ҳам юритилувчи бу ўйин қўйнинг бир парча жунли териси қўрғошин билан маҳкам боғланган анжом билан ўйналади. Ўзбек хонадони йўқки, жунтепки ҳақида билмаган, суюб ўйнамаган. Уни ёшу қари бирдек севиб ўйнайди. Бундай оммавийлигига сабаб ўйинни ташкил этиш учун махсус жой ёки асбоб-анжомлар талаб қилинмайди. Уни ҳар қандай жойда ўйнаш мумкин.

Бу ўйиннинг моҳияти қўрғошинга уланган пўстакни оёқ панжаси билан тепиб, ҳавога учиришдан иборат. Бунда ланка оёқ ёрдамида ҳавода қанча кўп ва чиройли ушлаб турилса, шунча кўп балл йиғилади. Ўйин бир қанча элементлардан ташкил топган бўлиб, ланкани оёқнинг ташқи ва ички томони ҳамда сакраган ҳолатда оёқларни чалиштириб ўнг ва чапга тепиш мумкин.

Эътиборли томони, “Жунтепки” инсон саломатлиги учун жуда фойдали. Ўйин давомида бадандаги деярли барча мушаклар ва бўғимлар ҳаракатга келади. Мутахассисларнинг фикрича, бу ўйин билан шуғулланган кишида нафас ритми тўғри йўлга қўйилади. Тўғри нафас олиниши, диафрагма фаолияти ўйин пайтида қорин ва кўкрак қафаси аъзоларига ижобий таъсири натижасида тўқималар кислород ва қон билан яхши таъминланади. Бу организмда оксидланиш-қайтарилиш жараёнларини нормаллаштириб, моддалар алмашинувига ижобий таъсир қилади.

Шунингдек, юрак фаолиятини яхшиланишига ҳам ёрдам беради. Қолаверса, ўйин пайтида қорин аъзолари фаолияти ишлаши, тонуси ортиши ижобий томонга ўзгаради. Бу, ўз навбатида, ичаклар перистальтикаси, ўт пуфаги, ошқозон ости безига таъсир қилиб, уларнинг фаолиятини нормаллаштиради. Мушакларнинг таранглашуви қорин олд деворини мустаҳкамлайди, бу эса бўлиши мумкин бўлган қорин девори чурраларнинг олдини олади.

Бундан ташқари, ўйинда организмнинг кўп бўғимларида ҳаракатлар амалга оширилиши натижасида чаноқ-сон, тизза, болдир-ошиқ бўғимларида ҳаракат фаоллашиб, уларнинг дренаж функцияси яхшиланади. Сон, болдир, оёқ панжаси мушаклари тонуси ортади. Натижада бўғимларнинг тўғри шаклланишига имкон яратилади. Келгусида пайдо бўлиши мумкин бўлган касалликлар (артроз) олди олинади. Оёқ мушаклари тонуси ортиши натижасида оёқ веналарда қоннинг юқорига ҳайдалиши яхшиланади, димланиш белгилари бартараф бўлиб, варикоз касаллиги олди олинади.

Ёш болаларда эса ланкани ўйнаш билан биргаликда тепиш сонини овоз чиқариб санаб бориши болаларнинг нутқини равон ривожланишига ёрдам беради.

Бир сўз билан айтганда, бугунги миллий қадриятларимиз ва ўйинларимиз тикланаётган ҳозирги кунда мазкур ўйинни ривожлантириб ва оммавийлаштирсак, аввалямбор, ёшларимизни ҳар хил касалликлардан асраган ва дунё аҳлини “семириш” деган катта муаммодан халос қилишда ёрдам берган бўлардик.

Мафтуна МИНГБОЕВА.

# Ватан ягонадир, Ватан биттадир

**24 январь — Ўзбекистон Республикаси байналмилал Маданият маркази ташкил топганига 20 йил тўлади**

Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг шонли 20 йиллигини катта ютуқлар билан нишонлаганига салкам беш ой бўлаяпти. Уларнинг замирида, шубҳасиз, юртимизда истиқлол йиллари қарор топиб, 20 йилки изчил ҳукм сураётган юксак қадриятларимиз — тинчлик, барқарорлик, миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик мужассам. Президентимиз таъкидлаганларидек «Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир».

Бу юксак қадриятлар ва энг катта бойликка бирданига ва ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Эсланг, Юртбошимизнинг қатъий позицияси ва қатъий сиёсий иродаси билан миллий низо келтириб чиқариш, қўшнилар орасига раҳна солиш мақсадида қилинган ўта нохуш нотинчликлар олди нечоғли машаққатлар билан олинди.

Шу ўринда Президентимизнинг яна бир гапини эслаш жоиз: **«Истиқлолга эришган халқ ўзгаларга зуғум қилмайди... тазйиқ ва таҳқир туйғуси аламзадалик уйғотади. Биз эса тазйиқ ва таҳқирдан қутилган, ўз қадрини билган халқмиз. Ўз кучига ишонган ва ўзгаларга ҳамдард бўла олишга қодир эркин халқмиз»**.

Дарвоқе, мамлакатимиз ўз миллий сиёсатининг «Кўп миллатлилик — Ўзбекистоннинг бойлиги» деган ғояга асосланишини мустақилликнинг илк кунлариданоқ жаҳон афгор оммасига очиқ баён қилди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш Баёнотида Ўзбекистон ўз ҳудудида яшовчи барча миллатлар вакилларига тенг ҳуқуқлар ва имкониятларни кафолатлаши, миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қатъиян қарши чиқиши эълон қилинганди. Бу қоида, бу тамойил 1991 йилнинг 31 августида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунда янада мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўзбекистон мазкур йўналишда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига ҳам ўз содиқлигини эътироф этди. Президентимиз 1992 йилнинг 26 февралида Хельсинки якунловчи актига имзо чекаётиб деди: **«Мен халқ ва ҳукумат номидан: ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида ички бунёдкорлик вазифаларини рўёбга чиқаришнинг асосий кафолати бўлмиш фуқаролар ва миллатлараро иноқликни, фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлигини сақлаб қоламиз ва ҳар томонлама мустаҳкамлаймиз, деб айтаман ва бунга қатъий кафолат бераман»**.




Бу сўзлар, бу кафолат бугун реал воқеиликка айланганини ҳеч бир киши инкор этолмайди.

Келтирилган бу ҳаётий далиллар ва қиёсий мисоллар юртдошларимизда миллатидан қатъий назар, қўшиқларда куйланганидек, «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» туйғуси шаклланганинининг ёркин намойишидир. Қолаверса, Ўзбекистон халқи ҳаёти ва тафаккурида Мустақиллик даврининг ҳар бир йилида рўй бераётган ижтимоий ўзгаришларни далилловчи бундай мисолларни яна истаганча келтириш мумкин.

Мухтасаргина айтганда, этник бағрикенгликка асосланган ўзбек миллий сиёсат моделининг ишлаб чиқилиши ва унинг амалда татбиқ этилиши — мамлакатимиз ҳаётида туб ижобий ўзгаришлар ясади, таъбир жоиз бўлса, у ана шу ўзгаришларнинг тамал тошларидан бўлди. Шу мантиқ, шу нуқтаи назардан бугун яна бир бор баралла айта оламизки, «Кўп миллатлилик — Ўзбекистоннинг бойлиги» деган ғояга асосланган мамлакатимиз миллий сиёсатининг негизи — муҳтарам Президентимиз таърифлаганидек, **«Энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир»**.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ.**

### ФАКТЛАР, РАҚАМЛАР, ҚИЁСЛАР ВА ДАЛИЛЛАР

- **1992 йилнинг 24 январида Ўзбекистон Республикаси байналмилал Маданият маркази ташкил этилиб, мамлакатимиздаги миллий-маданий марказлар фаолиятига кенг йўл очиб берилди.**
- **1991 йилда республикада миллий-маданий марказлар сони бор-йўғи 10 та атрофида бўлса, бугунги кунда улар сони 140 тадан ошиб кетди.**
- **Истиқлол йиллари мамлакатимизда миллий тиллар ривожига алоҳида эътибор берилди. Хусусан, ўрта ва олий таълим тизими 7 та миллий тилда ташкил этилди. Уларни педагогик кадрлар ва зарур дарсликлар билан таъминлаш тизими кенг йўлга қўйилди.**
- **Олий таълим тизимида ўқиш-ўқитиш ишлари, бўйича миллий тилларда махсус факультетлар, бўлимлар фаолият олиб бормоқда...**
- **Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар 11 тилда, газета ва журналлар 8 тилда чоп этилмоқда.**
- **Фидокорона меҳнати ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун Ватанимизнинг олий мукофоти — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланганлар орасида ўзбеклар ва қорақалпоқлар билан бирга рус, тожик, украин, қозоқ, корейс, араб миллатларига мансуб юртдошларимиз бор. Юксак орден ҳамда медаллар билан мукофотланганлари эса юзлаб ва минглаб нафарни ташкил этади.**
- **Республика байналмилал Маданият маркази ва миллий маданий марказлар фаолияти мамлакатимиз ҳамда чет эл оммавий ахборот воситалари саҳифаларида, шунингдек, интернет сайтларида мутассил, изчил ёритиб борилмоқда.**
- **Илмий тадқиқот лойиҳалари қамровида бугунги кунда 200 тага яқин илмий мақолалар ва маърузалар миллий тилларда тайёрланиб нашр этилди, 20 тадан ортиқ китоблар чоп этилди. Улар орасида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» фотоальбоми, «Ўзбекистон — бағри кенг диёр», «Ўзбекистон Конституцияси — буюк келажагимиз кафолати» каби китоблар алоҳида ўрин тутади.**
- **Республика байналмилал Маданият маркази ташаббуси билан ҳужжатли ва илмий оммабоп фильмлар студияси ҳамкорлигида яратилган «Ўзбекистон — менинг Ватаним», «Ҳамжиҳатлик ҳукмрон бўлган юрт», «Ягона осмон остида» сингари қатор ҳужжатли фильмлар жамоатчилик томонидан алоҳида эътибор ва эътирофга сазовор бўлди.**

**Сўранг, жавоб берамиз!**

Эшитишимча, ишдан бўшаётган ходимга ишдан бўшатиш нафақаси тўланар экан. Сизлардан илтимос, нафақа тўлаш тартиби ва миқдори ҳақида маълумот берсангиз.

**Озода Ўролова, Тошкент вилояти.**

## Нафақа тўлаш тартиби

**ва миқдорларини билмоқчи эдим!**

1. Меҳнат шартномасининг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳолларда бекор қилиниши, ишдан бўшаётган ходимга ишдан бўшатиш нафақаси тўланишига сабаб бўлади.

Ишдан бўшатиш нафақаси тўланишидан мақсад ходим ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли ишдан бўшатилганида бошқа иш топиш учун кетган вақт давомида уни моддий қўллаб қувватлашдан иборат.

2. Меҳнат шартномаси ходимнинг айбли ҳатти-ҳаракатлари (МК 97- моддаси 5-банди, 100-модда 2-қисми 3-4 бандлари, 106 модда 3,5 бандлари, шунингдек, ходимнинг айби билан ишга қабул қилиниши тартиби бузилганлиги сабабли ишдан бўшатилганда Меҳнат Кодексининг 106-моддаси 4-банди) туфайли бекор қилинганда ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори ходимнинг ўртача ойлик ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

3. Ишдан бўшатиш нафақаси ходимга тўланадиган компенсация тўловидан фарқланмоғи лозим. Фойдаланилмаган таътил вақти учун компенсация пули берилиши ишдан бўшатиш нафақаси берилишига тўсқинлик қилмайди.

4. Ишдан бўшатиш нафақаси корхонада тўлиқсиз иш куни режимида касаначилик асосида ўриндошлик бўйича ишлаётган ходимлар ишдан бўшатилаётганида ҳам тўланиши керак.

**Гўзал ИСАКЖАНОВА, Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар 3-сонли ДНИ нотариуси.**

**Билиб қўйган яхши**

## Хурмо — кўп дардга даво

**Куз меваларидан бири, кўм-кўк барглар орасида марвариддай терилиб турган олтин тусли неъматни шифокорлар «хурмо — кўп дардга даво» деб бежизга айтишмаган.**



Кейинги чорак аср давомида республикамизнинг кўплаб ҳудудларида хурмо экиш удумга айланди. Халқ табобати академияси академиги, шифокор Абдукарим Имонхўжаев маълумотига кўра, хурмо таркибида инсон саломатлигини мустаҳкамловчи, касалликлар олдини олувчи, камқонликка даъво 25 фоиз қанд, пектин моддалари, шунингдек, маъдан тузлар, ошловчи моддалар, мия фаолиятини яхшиловчи йод, айниқса, C, B1, B2 ва B3 витаминлар мўллиги унинг ўта шифобахшлигидан далолат бериб турибди.

Халқ табобати амалиётида ҳам, замонавий тиббиётда ҳам кўп миқдорда йод бўлган хурмодан кенг фойдаланилади.

Хурмо қон босими тушиб кетганда, қусишни тўхтатишда, юқори нафас йўлларини даволашда қимматбаҳо дорилар ўрнини босиши мумкин.

## Анорнинг шифобахш хосиятлари

**Анор — новдадан кўпайиб, 3-4 йилда ҳосил берадиган, 101 шифобахш хислатга эга неъмат. Унинг ўндан зиёд турлари бор, айниқса, Дашнобод анори сершарбат, йириклиги, мазаси билан алоҳида ажралиб туради.**



Бобокалонимиз Абу Али Ибн Сино анор шарбатидан мия касалликлари, тиш тўкилиши олдини олувчи, иштаҳани очувчи дори сифатида самарали фойдаланган.

Анорнинг ўзи ва шарбатидан пўстлоғи шифобахш, афсуски, кўпчилик буни билмай анор пўстлоғини ташлаб юборади. Анор пўстлоғидан тайёрланган қайнатма билан оғиз бўшлиғи 3 марта чайилса, ундаги яра-чақалар бартараф этилади, анор шарбати эса қон миқдорини кўпайтиради.

Анорнинг пўстлоғи билан мол ёғи аралаштириб тайёрланадиган малҳам теридаги, ҳатто кўтир бадандаги яраларни даволайди. Анор таркибидаги инсон учун энг зарур органик кислоталар, қанд, фруктоза, глюкоза, сахароза, фолат кислотаси, айниқса, C витамини узоқ умр кўришнинг ҳам воситасидир.

**Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ.**

# Тутунга қоришган хавф

Тиббиёт мутахассисларининг маълумотларига кўра, тамаки маҳсулотлари ҳар йили саёрамизда 5 миллион кишининг умрига зомин бўлади. Бошқача қилиб айтганда, айнан сигарета ва папирос тутуни ҳар куни 14 минг кишининг ҳаётига нуқта қўймоқда.

Ҳар бир инсоннинг соғлиғи ўзига азиз. Халқнинг соғлиғи эса мамлакатнинг энг катта бойлигидир. Шу сабабли дунёнинг аксарият давлатларида соғлом турмуш тарзи яратиш учун кураш олиб борилмоқда. Оғзида сигара билан отини елдириб кетаётган чапдаст ковбой образи ўтмишда қолди. Сигаретанинг заҳарли эканлиги аҳолига, айниқса, ёшларга уқдирилмоқда. Дунёнинг ривожланган давлатларида кашандалар сонини камайтириш мақсадида сигареталар махсус дўконларда сотилмоқда, нархи оширилмоқда, чекувчилар учун махсус жойлар ажратилаяпти.



Бундай эзгу ишлар мамлакатимизда ҳам кенг кўламда олиб борилмоқда. Ахир Ватанимиз ўтган йили "Болаларни асрайлик" (Save the children) халқаро ташкилот томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингида ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллаганлиги бежиз эмас.

Хабарингиз бор, юртимизда ҳам тамаки ва алкоголь маҳсулотларини тарғиб-ташвиқ этишни ман этиш бўйича махсус қонун қабул қилинди ва у яқинда кучга кирди.

Шунга қарамасдан ҳамон кўча-кўйда бемалол сигарета бурқситиб юрган юртдошларимиз кўплаб учраяпти. Аслини олганда уларнинг бу зарарли кўникмалари нафақат ўзларини, балки атрофдаги кишиларни ҳам заҳарламоқда. Яқинда юз кўринишидан зиёли бир эркакнинг оғзида тутаётган сигарета билан бемалол бир ёшлар чамаси боласини кўтариб кетаётганини кўрдим. Қуланса тутун тўғри гўдакнинг юзига урилмоқда. Ахир бу боланинг заиф танасини заҳарлашдан бошқа нарса эмас-ку.

Бекатлар-ку, майли, кўчаларимизга қаранг. Кўпинча йўлларнинг икки ёни ҳам сигарета қолдиқларига тўлиб кетган бўлади. Ё бўлмаса сигаретасини оғзидан қўймай кабоб ёки сомса сотаётган ошпаз аслида хўрандаларга никотин аталмиш оғуни тарқатаётганидан бохабармикан? Хўп улар-ку, бехабар дейлик, аммо биз, кўп нарсадан хабари бор зиёли одамлар нима учун кўра била туриб ўз пулимизга ўзимиз заҳар сотиб оламиз? Йўловчи тўла автобус ёки йўналишли таксининг ҳайдовчиси бемалол сигарета тутатиб кетаётганига нима дейсиз?

Пойтахтимиздаги йирик дўконларда балоғатга етмаган йигит-қизларга сигарета сотилмаслиги ҳақидаги эълонлар кўзга ташланадиган жойларга илиб қўйилмоқда. Бу яхши, албатта. Бироқ шу дўкон эшигидан чиққанингизда қаторлашиб ўтирган ёймачилардан сигаретанинг исталган турини хоҳланг доналаб, хоҳланг қутилаб сотиб олаверасиз. Энг ёмон томони — бундай сотувчилар учун харидор ёшининг мутлақо аҳамияти йўқ, улар "захри қотил" маҳсулотларини ҳатто болакайларга ҳам сотаверишади. Кўпчилик кўз ўнгида гердайиб сигарета бурқситаётган айрим ўсмирларнинг таъминотчилари шундай "тадбиркор" сотувчилар, албатта.

Одам гавжум жойларда, бекатларда, бозорларда турли ёшдаги харидорларга сигарета сотаётган сотувчи аслида мени, сизни, ҳаммамизни заҳарламоқда.

Менимча, Мустаҳкам оила йилида биз соғлом турмуш тарзи учун янгича ғайрат билан ҳаракат қиларканмиз, ўзимизни, ука-сингилларимизни, фарзандларимизни кашандалик балосидан сақлашни ҳам эътиборда тутишимиз лозим. Амалдаги саъй-ҳаракатларимиз эса ёймачи сотувчиларнинг ёшларга, болаларга сигарета сотишини бартараф этишимизда ҳам кўринса яхши бўларди. Зеро, ўсиб келаётган авлоднинг саломатлиги учун биз, катталар масъулмиз.

**Феруза ТОИРОВА.**

Ҳурматли юртдошлар!

«Асака» банк (ОАЖ)

Сизларга миллий валютадаги, сақлаш муддати 1 йил бўлган қуйидаги янги омонат турини таклиф этади:

«ҲИМОЯЧИ»

Фоизлар ойма-ой ҳисобланиб коммунал тўловларга (электроэнергия, газ, иссиқ сув, совуқ сув, телефон) ҳамда талабаларнинг шартнома асосида ўқишлари ва даволаниш учун йўналтирилади.

*Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.*

**«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**



**СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:**

- **солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!**
- **маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!**
- **эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!**
- **миқдори чекланмаган!**

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 8 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 8 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 8 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 8 371 | 225-16-46 |
| Сирғали филиали | 8 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 8 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 8 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 8 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 8 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 8 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 8 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 8 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 8 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 8 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 8 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 8 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 8 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 8 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 8 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 8 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 8 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 8 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 8 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 8 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 8 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 8 372 | 226-43-11 |

*Хизматлар лицензияланган*

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Бош муҳаррир:** Худоёр МАМАТОВ
**Бош муҳаррир биринчи ўринбосари:** Абдували СОЙИБНАЗАРОВ *(Нашр учун масъул)*
**Бўлимлар:** Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — *236-57-14*; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — *236-54-39*;
**Телефонлар:** қабулхона — *236-53-14*; *233-40-86* (факс); котибият — *233-41-89*.
**Навбатчи муҳаррир** — Номоз САЪДУЛЛАЕВ.
**Навбатчи** — Нурбек АБДУХАЛИЛОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.*

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

Таҳририят манзили: *100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.*

adolat_gazeta@mail.ru

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 100. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 9100. Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 23.45
1 2 3 4, 5